



МИЖОЗЛАРГА ХИЗМАТ КЎРСАТИШ СТАНДАРТЛАРИ

Хужжатни ишлаб чиқсан таркибий тузилма	Маркетинг ва инвестицион фаолиятни бошқариш маркази
Тасдиқлаш учун киритилган сана	21/05/2021
Хужжатнинг қисқача мазмуни	Мазкур стандарт мижозлар эҳтиёжини қондириш эканлиги ва хизмат кўрсатишида бунга масъул эканлигинимизни ҳисобга олган ҳолда, – мижозлар билан тўқнаш келган ҳар бир нуқтада уларга ходимлар томонидан кўрсатиладиган хизматларнинг стандартини юқори мавқега кўтариш ва уларга бу борада тўғри йўлни кўрсатиш мақсадида Маркетинг ва инвестицион фаолиятни бошқариш маркази томонидан тайёрланган.
Ўз кучини йўқотган хужжатлар	-
Хужжат кучга киритилган сана	24/05/2021

ТОШКЕНТ – 2021

МУНДАРИЖА

I. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР	2
II. МИЖОЗЛАРНИ КУТИБ ОЛИШДА.....	2
III. МИЖОЗЛАРГА МАЪЛУМОТ БЕРИШ ЖАРАЁНИ.....	6
IV. МИЖОЗЛАРДАН МАЪЛУМОТ/ХУЖЖАТ СЎРАШ ЖАРАЁНИ	10
V. МИЖОЗНИНГ БАНК АМАЛИЁТЛАРИНИ АМАЛГА ОШИРИШ ЖАРАЁНИ.....	14
VI. МИЖОЗНИНГ БАНК АМАЛИЁТЛАРИНИ АМАЛГА ОШИРИШ ЖАРАЁНИ.....	17
VII. МИЖОЗЛАРГА ЙЎЛ-ЙЎРИҚ ҚЎРСАТИШ ЖАРАЁНИ.....	19
VIII. МИЖОЗНИ КУЗАТИШ ЖАРАЁНИ.....	21
IX. МИЖОЗ ЭЪТИРОЗИНИ ҲАЛ ҚИЛИШ.....	23
X. МИЖОЗЛАРНИНГ МУАММОЛАРИНИ ҲАЛ ҚИЛИШДА.....	25
XI. МИЖОЗЛАР ҲУЗУРИГА ТАШРИФ БУЮРГАНДА.....	31
XII. БАДАН ТИЛИ ВА ИМО-ИШОРАЛАР.....	32
XIII. БАНКДАГИ ИШ ВА АМАЛИЁТ ЖАРАЁНИДА ИШЛАТИЛМАЙДИГАН СЎЗЛАР....	34
XIV. БАНКДА БАЖАРИЛМАСЛИГИ КЕРАК БЎЛГАН ҲАРАКАТЛАР.....	34

I. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

Мазкур стандарт мижозлар эҳтиёжини қондириш эканлиги ва хизмат кўрсатишда бунга масъул эканлигинимизни ҳисобга олган ҳолда, – мижозлар билан тўқнаш келган ҳар бир нуқтада уларга ходимлар томонидан кўрсатиладиган хизматларнинг стандартини юқори мавқега кўтариш ва уларга бу борада тўғри йўлни кўрсатиш ва Банкимизнинг барча таркибий тузилма ходимлари томонидан амал қилишлари кераклилигини ўз ичига олади.

Хизмат кўрсатиш стандартларнинг асоси бу-

- Бутун диққат-эътибор – мижоз учун;
- Уларга хизмат кўрсатиш кераклилигини ҳис қилиш;
- Мижозларнинг ходимларга бўлган ишончини таъминлаш;
- Муаммоларни самарали тарзда ечиш;
- Ижтимоий жавобгарликни англаш ва корпоратив этика қоидаларига риоя қилиш.

Банкнинг асосий хизмат тушунчаси бу-

- Мижозга йўналтирилган эътибор – барча хатти-харакат ва тартибларнинг асосидир;
- Мижоз ҳар доим устувор мақсадимиздир...;
- Вазифамиз хизмат кўрсатиш эканлигини ҳеч қачон унутмаслик;
- Доимо юзингизда табассумни аямай, хурмат ва илиқликда мулоқотда бўлиш;
- Уларга хизмат кўрсатаётганингиздан мамнун эканлигинизни ҳис эттирган ҳолда, севиб, сидқидилдан ишлаш;
- Банкимизнинг асосий вазифаси мижозларнинг банк ходимларига бўлган ишончини таъминлаш;
- Мижозларга барча хизмат кўрсатиш жойларида сифатли, тез ва ишончли хизмат кўрсатиш;
- Мижозларга хизмат кўрсатувчи ажойиб жамоанинг бир парчаси эканимизни ҳеч қачон унутмаслик;
- Юзага келадиган муаммоларнинг тақрорланмаслигини олдини олган ҳолда, тез ва самарали шаклда уларни ҳал қилиш устида ишлаш;
- Қийин вақтларда ҳам мижозларга хизмат кўрсата олиш учун турли ечимлар ишлаб чиқиш;
- Ҳар доим банкнинг ички тартиб қоидаларига риоя қилган ҳолда, ахлокий тамойилларда бошқаларга намуна бўлишлик.

II. МИЖОЗЛАРНИ КУТИБ ОЛИШДА

- Мижозлар ҳар доим уларга хизмат кўрсатишга тайёр шаклда кутиб олинади.
- Мулоқот бошлаётганда кўз билан алоқа қуриб, илиқ табассум ва шунга мос ҳитоб шаклидан фойдаланилади.

- Илк фурсатларда мижознинг исмини сўраб, унга исми билан мурожаат қилинади.

Уларни кутиб олаётганда:

- Агар ўтирган ҳолатда бўлинса, гавдани тик тутиб, қаршидаги мижоз томонга бироз эгилинади;
- Турган ҳолатда бўлинса, мижоз томонга йўналиниади;
- Мижоз меҳмонимиздир, шунинг учун кутиб олинаётганда биринчи сўз ҳодим томонидан айтилади;
- Тушунарли, равон эшитиладиган, ишонч ҳосил қилувчи овоз оҳангидага мулоқатга киришилади.

Кутиб олишдаги ҳолатлар

ХОЛАТ	ТЎҒРИ	НОТЎҒРИ
Ёнингизга келган мижозга	<p>“Марҳамат, ҳурматли мижоз, хуш келибсиз. Қандай ёрдам бера оламан?”</p> <p>“Хуш келибсиз, ҳурматли мижоз ... Яхшимисиз? Қандай ёрдам бера оламан?” (Таниш мижозларга)</p>	<p><i>Кўзига қарамасдан, бошини кўттармай иши олиб бориши, жаҳал юз ифодасида бўлиб, бошқа иши билан шугулланиши, кўрмасликка олиши.</i></p> <p><i>“Лаббай, нима эди?”, “Қандай ишингиз бор эди?”, “Нима эди?”, “Нима дедингиз?”, “Ҳа...”, “Эшиштаман, келинойи...”</i></p>
Бажариладиган амалиёт юзасидан чақирган мижозимизга (Навбати билан келган мижоз)	<p>“Марҳамат, ҳурматли мижоз, хуш келибсиз. Қандай ёрдам бера оламан?”</p> <p>“Хуш келибсиз, қандай иши билан келганингизни билсан бўладими?”</p> <p>“Хуш келибсиз, ҳурматли мижоз... Яхшимисиз? Қандай ёрдам бера оламан?”(Таниш мижозларга)</p>	<p><i>Юзига қарамаслик, қўйол муомалада бўлиши, бошқа иши билан шугулланишида давом этиши.</i></p> <p><i>“Навбатдаги...”, “Кейинги навбатдаги келсин...”, “Номерингизни беринг...”, “Қандай ишингиз бор эди, айтинг...”, “Нима эди?”, “Сиз?”, “Нима бор эди, ҳамишаҳарим(землягим)?”, “Нима иши қилаётган эдик?”, “Нима ишинг бор эди?”</i></p>
Навбатини кутмаган мижозга	<p>Юзда табассум ва ширин сўз билан маълумот беринг;</p> <p>“Ассалому алайкум, илтимос, навбат рақамини берадиган мосламадан рақам олинг” (Навбат рақамини олмаган мижозга).</p> <p>“Ассалому алайкум, ишингизни амалга ошириш учун навбатга турга оласизми, илтимос!” (Навбат рақамини берадиган мосламаси йўқ бўлган</p>	<p><i>Нотўғри, беодаблик билан муомалада бўлиши, овозни баландлатиш, таъна қилаётгандек гапириши, жонига теккан каби юз ифодасида бўлиши.</i></p> <p><i>“Бошимга келиб олиб кутманг, илтимос...”</i></p> <p><i>“Үёққа ўтинг, кутиши жойингиз у ерда...”</i></p> <p><i>“Бекордан бекорга бу ерда турманг, кутишидан бошқа</i></p>

	<p>филиаллар учун)</p> <p>“Ассалому алайкум, навбат рақамини олган бўлсангиз, навбат рақамингиз келгунигача кутиб туринг, раҳмат...”</p> <p>“Ассалому алайкум, навбатингиз келганида сизга албатта, ёрдам бераман”</p> <p>“Ассалому алайкум, навбатингиз келгунига қадар сизга ажратилган бўлимда кутиб туро оласизми, илтимос.”</p>	<p>чорангиз йўқ...”</p> <p>“Навбатингни кут...”, “Бориб ўтиринг...”, “Тепамда кутманг...”</p> <p>“Рақамингиз ёнмади...(навбат рақамини кўрсатиб турадиган мосламада)”</p> <p>“Навбатимизни кутсак...”, “Нима дегандингиз?”, “Бу ерда эмас, аnavи ерда кутинг, укам.”</p>
Филиалнинг ёпилиши/тушлиқ соатларига яқин келган мижоз	<p>Мижознинг қандай банк операцияларини амалга ошириши сабаби ўрганилади, агар қисқа вақт ичида мижознинг иши амалга оширила олинса, ишини амалга ошириб, уни тугатиш, мазкур амалиётлар агар узоқ вақт талаб этган тақдирда, эртаси куни/тушлиқдан сўнг келишини таклиф қилиш лозим.</p> <p>“Хуш келибсиз, филиалимиз ёпилишига озгина вақт қолди, сизга қандай ёрдам кўрсата оламан?”</p> <p>Иш жараёни қисқа вақтни талаб этса:</p> <p>“Хозироқ ёрдам берамиз...”</p> <p>Иш жараёни узоқ вақтни талаб этган тақдирда:</p> <p>“Талаб қилаётган ишингиз учун тасдиқ олишимиз кераклиги учун/ ишингиз юзасидан ... керакли бўлими билан маслаҳатлашишимиз кераклигидан/ иш вақтимиз тугаганлиги учун/ ишингиз учун узоқ вақт кетиши туфайли вб... ҳозир бажара олмаймиз, эртага эрталаб/тушлиқдан сўнг ишимиз бошланиши билан келишингизни сўраймиз. Келганингизда ишингизни қисқа муддатда ҳал қиласиз.”</p>	<p>Ичкарига қўймаслик, ётиқ эшик ортида қўл ҳаракати билан кирмаслигини кўрсатиш, мажбуран ёрдам берииш, қаттиқ гапириш, қўпол ва жонига теккандек муомала қилиши.</p> <p>“Эртага/тушлиқдан кейин келинг...”</p> <p>“Майли киринг, лекин иккинчи бундай кеч келманг...”</p> <p>“Тушлиқ соати бошланди, амаки...”</p> <p>“Ишдан чиқадиган вақтимиз бўлди...”</p> <p>“Кассамиз ёпилди...”</p> <p>“Кассани ёпамиз...”</p> <p>“Мен ишингизни ололмайман, бошқаларга боринг...”</p> <p>“Ёпилдик...”</p>
Таниш мижоз	<p>“Хуш келибсиз, ... Хурматли мижоз ... Яхшимисиз? Қандай ёрдам бера оламан?”</p>	<p>“Оооо, ... aka/ona хуи келибсиз...”</p> <p>“Вай, кимлар келибди...”</p> <p>“Оғайни, хуи келибсан...”</p>

		<i>“Хуш келибсиз, акаси, опаси...”</i>
Жаҳлдор мижоз	<p>Мижознинг ҳолатидан таъсиранмай, воқеа(ҳолат)ни шахсий деб қабул қилмаган ҳолда, мижозни сокинлик билан эшитиш, уни тушуниб турганингизни ва ёрдам бермоқчи эканлигингизни билдирган ҳолда,</p> <p>“Хуш келибсиз, хурматли мижоз, сизга дархол ёрдам бераман, қандай иш юзасидан келдингиз?”</p> <p>“хурматли мижоз ... , ҳозироқ ишга киришаман, ишингизни тезлик билан ҳал қиласидан” (таниш мижозларга)</p>	<p>Мижозга янада ёмон таъсири кўрсатадиган муомалада бўлиши, қўпполлашиш, қовогини уйши, устидан мазҳара қилгандек кулимсираб кўриниши берши.</p> <p>“Ассалому алейкум, тинчликми?”</p> <p>“Нега бақиряпсиз?”</p> <p>“Бошқа мижозларга ҳалақит беряпсиз.”</p> <p>“Бундай гавжум навбатда сиз билан шугуллана олмаймиз.”</p> <p>“Нима бўлди?”</p> <p>“Нима эди?”</p> <p>“Бу ерда сизга хизмат кўрсатишга ҳаракат қиляпмиз.”</p>
Қўнғироқ қилган мижоз	<p>Келаётган ҳар бир телефон қўнғирогини энг кўпи билан 3 марта жиринглашида қўйидаги тарзда жавоб беринг, барча ходимлар қўнғироқлар учун бирдек масъулдирлар, қўнғироқларга энг қисқа муддат ичida жавоб берилиши керак.</p> <p>“Ҳайрли кун/кеч, Ziraat Bank Uzbekistan ... филиали, мен ... , қандай ёрдам бера оламан?”</p> <p>“Ziraat Bank Uzbekistan ... филиали, мен ... , қандай ёрдам беришим мумкин?”</p> <p>“Ziraat Bank Uzbekistan ... (филиал номи), мен ..., қандай ёрдам беришим мумкин?”</p>	<p>Қўнғироқни узоқ куттириши, гўшакни кўтариши учун бошқаларга мурожсаат қилиши, кўтариб гаплашмаслик, қўнғироқ қилувчини узоқ куттиришилик, қаттиқ ва совук муомалада бўлиши.</p> <p>“Ало...”</p> <p>“Лаббай...”</p> <p>“Эшиштаман ...”</p> <p>“Ҳа, ...”</p>

Мижозни кутиб олаётганда УНУТМАНГ!

- Илк таассурот учун иккинчи имконият бўлмайди...
- Қандай кутиб олинишни истасангиз, худди шундай кутиб олинг!
- Мижозни кутиб олиб ва хизматини амалга ошириш бизнинг устувор вазифамиздир, ҳар бир мижозни бир хил муомала ва ҳурматда кутиб олинг!
- Хорғин, безган ва совуккон кўринишингиз мижозга салбий таъсири кўрсатади.
- Бошқа иш билан шуғулланаётган бўлсангиз ҳам, мижоз келганида унга эътиборни қаратинг!..

- Хизмат кўрсатаётганда сиз билан бўлаётган ички кечинмаларингизни мижозга сиздиришга ҳаққингиз йўқ!..
- Гапирмаслик, баъзан мижозда “нега келдинг, нима истаяпсан?” каби салбий таассурот қолдириши мумкин.

III. МИЖОЗЛАРГА МАЪЛУМОТ БЕРИШ ЖАРАЁНИ

- Аввало ўзингизни танитиб, мижознинг исмини сўранг.
- Мижозларга бевосита хизмат кўрсатиш бўлимида ишласангиз, мижозга ташрифнома картангизни беринг.
- Мижозларга таклиф этилаётган маҳсулот ва хизматларига нарх белгилашда, Банк ичидаги тартибларга ва бу хусус билан боғлиқ қонуний мажбуриятларга риоя этишга мажбурдир.
- Мижозни тинглаб, эҳтиёжи нима эканлигини билиш учун саволлар беринг.
- Тўғри ва қониқарли маълумотларни унинг талабларидан келиб чиқсан ҳолда тушунадиган тарзда тақдим этинг.
- Керак бўлса, муқобилларни тақдим қилиб, хужжат ва брошурулар ёрдамида маълумот беринг.
- Мижознинг сизни англаганига амин бўлинг.

Билмаган мавзууларингизда:

Хато/етарсиз маълумот бермасдан, мижозни билим ва тажрибага эга бошқа ходимга ўйнландиринг.

Амин бўлмаган мавзуунингизда:

- Тўғри бўлган маълумотни ўрганиб тақдим қилинг, хато ва етарсиз маълумот берманг.
- Мижозга берган маълумотингизга мос равища иш тутиб, берган ваъдангизни бажаринг.

ҲОЛАТ	ТЎҒРИ	НОТЎҒРИ
Мижозга маълумот беришда	<p>Мавзуга доир бутун маълумотларни очиқ ва тушунарли тилда, иложи борича техник атамалардан фойдаланмай, мижозни ҳам эшитиб, англаганига амин бўлиб тушунтириш.</p> <p>“Ишингиз бўйича/саволингиз бўйича маълумотларни ҳозироқ тақдим қиласман...”</p> <p>“Сизга деталлари билан тушунтирсам...”</p> <p>“Ҳоп бўлади, ҳозироқ маълумот бераман...”</p>	<p>Мижоз сўраганидек жавоб берши, ўзини эрингандек тутиши, тўлиқ бўлмаган маълумотларни берши, тушунарсиз англатиши, ҳайдаб юборши.</p> <p>“Брошура олинг, у ерда барчаси ёзилган...”, “Тўлдирадиган ариза шакли йўқ, кейинги ҳафта келинг...”,</p> <p>“Доимий ўзгариб туради, нега сўрайсаниз?”</p> <p>“Дахшат зўр имконият, қўлдан бой берманг...”</p>

		<p>“Жудаям қаттиқ тавсия қиласман шуни...”</p> <p>“Энди ҳисоблашимииз керак...”</p> <p>“Бошка банклардагидек.../бошка банклардан арzon ...”</p> <p>“Банкнинг расмий интернет саҳифасида барчаси тушунтирилган..”</p>
Банк амалиётлари тартибини, ишини кетма - кетлигини билмаган, тушуниши қийин бўлган мижозга	<p>Оддийроқ усулда такорран тушунтириш, ёрдамчи хужжатлар ва брошуралар тақдим қилиш, керак бўлса, вазиятни тушунтириб, шу соҳа мутахассисидан кўмак олиш.</p> <p>Мижознинг тушунганига ишонч ҳосил қилиш ёки нотўғри тушунишининг олдини олиш учун унга қуидаги саволларни бериш:</p> <p>“Яна қайси мавзулар бўйича тушунтириб беришимни истайсиз?”</p> <p>“Бирор бир мавзу бўйича иккиланяпсизми?”</p> <p>“Янада тўликроқ маълумот беришимни истайсизми?”</p>	<p>Мижозни айлаш, менсимаслик, жонига теккандек муомала қилиши, ҳайдаб юбории.</p> <p>“Тушунмаган бўлсангиз, тушунадиган бирор киши келсин...”</p> <p>“Сиз сўрайверинг, мен жавоб бераман...”</p> <p>“Сиз ҳам ҳеч тушуна олмадингизда...”</p> <p>“Олақолинг, укам, барча маълумотлар шу ерда...”</p> <p>“Ишингиз ҳал бўлаверсин, яна гаплашамиз...”</p> <p>“Қайтадан тушунтириб бера олмайман, кутиб қолганлар кўп...”</p> <p>“Хозир бекордан бекорга вақт ўтказмайликда, ишини қиласдан пайтингиз гаплашамиз...”</p> <p>“Тушунмадингиз шекилли, яна бир марта тушунтираман...”</p>
Ишончингиз комил бўлмаган мавзуда маълумот бериш	<p>Мижозга етарсиз/хато маълумот бермасдан, дархол шу соҳадаги/ваколатли кишилардан тўғри ва тўлиқ маълумот олиб мижозга етказиш.</p> <p>“Сизга қисқа муддат ичидан ёрдам бераман...”</p> <p>“Шу саволга доир тафсилотларни ўрганиб, дархол сизга ёрдам бераман, ҳурматли мижоз...”</p> <p>“Сизга етарсиз маълумот бермаслик учун аввал уни аниқлаштириб дархол ёрдам бераман...”</p>	<p>Ишончингиз комил бўлмаган мавзуда тўлиқ бўлмаган/хато маълумотни бериши.</p> <p>“Сиз бошқалардан бир сўраб кўринг...”</p> <p>“Бу масалада етарсиз маълумотга эгаман, бошка бирортасидан сўранг...”</p> <p>“Мен ҳам анигини билмайман, лекин ... бўлиши керак...”</p> <p>“Одатда...”</p> <p>“Ундаи деб ўйламайман...”</p> <p>“Ҳар холда, балким ... бўлиши мумкин.”</p>
Билмаган мавзуингизда мижозга ёрдам бериш	<p>Мижозга етарсиз/хато маълумот бермасдан, дархол шу соҳадаги/ваколатли кишиларга йўналтириш. Йўналтираётганда мижоз талаби/саволини шу соҳага доир мутахассисга жўнатинг.</p> <p>Мижозга:</p> <p>“Ҳурматли мижоз, бу масалада</p>	<p>Тўлиқ бўлмаган/хато маълумот бериси.</p> <p>“Бу масалада маълумотим йўқ, бошқасидан сўраб кўринг...”</p> <p>“... деганинг олдига боринг...”</p> <p>“Ағсуски, билмайман...”</p> <p>“Мен ҳам анигини билмайман, лекин ... бўлиши керак...”</p>

	<p>маълумот бериш учун шу соҳа мутахассиси бўлган ҳамкасбимизга йўналтирай, юринг, марҳамат...”</p> <p>Йўналтирган кишинингизга “Хурматли мижозимиз ... масаласида маълумот олишни хоҳляяпти, ёрдам бера оласизми?”</p> <p>Мавзуга доир маълумот етишмовчилигингизни қисқа муддат ичидаги ҳал қиласиз.</p>	<p>“Одатда...”</p> <p>“Ундан деб ўйламайман...”</p> <p>“Ҳар холда ... бўларди.”</p>
Янгишиш маълумотга эга бўлган мижозга маълумот бериш	<p>Мижозни айбламасдан, ишончли тарзда, барча тафсилотлари билан масалани қонуний хужжатлар орқали тушунтириш.</p> <p>“Хурматли мижоз, рухсатингиз билан ушбу масала бўйича маълумотларни бераб ўтсан...”</p> <p>Керакли маълумотлар берилган бўлишига қарамай, мижоз ишонмаса,</p> <p>“Хоҳласангиз, сизни юқори раҳбар ходимлар билан учраштиришим мумкин.”</p>	<p>Мижозни айблаш, ўзининг ҳақ эканлигини исботлашга ҳаракат қилиши, тортшиши, устуворлик қилиши.</p> <p>“Ҳато билар экансиз...”</p> <p>“Балки аралаштириб юборгандирсиз...”</p> <p>“Бунақаси бўлиши мумкин эмас...”</p> <p>“Ҳатойингиз бор...”</p> <p>“Тўғрисини айтяпман, лекин тушунмаяпсизку...”</p> <p>“Қанақасига, бундай бўлиши мумкин эмас...”</p>
Асабий мижоз	<p>Мижознинг руҳий ҳолатидан таъсиранламай, воқеа(холат)ни ўзига олмай, қай аҳволда эканлигини тушунганингизни билдириб, ишончини қозониш, керакли маълумотларни дархол тақдим этиш.</p> <p>“Хурматли мижоз, сизга керакли барча маълумотларни бераб, ишингизни битишида кўмаклашаман...”</p> <p>“Хурматли мижоз, марҳамат қилиб билмоқчи бўлган барча тафсилотларни ҳозир сиз билан биргаликда гаплашиб оламиз.”</p>	<p>Мижознинг салбий кайфиятини янада тушуриб юборувчи ҳаракатни қилиши, эътибор қаратмаслик, ҳайдаб юбориши.</p> <p>“Нега бақиряпсиз, келинг тушунтириб берай...”</p> <p>“Озгина ўзингизни босинг, тушунтириб бераман...”</p> <p>“Менга нега бақиряпсиз, боринг, мутахассисидан сўранг...”</p> <p>“Менинг ишингизни мумкин эмас, маълумот бераб олмайман.”</p>
Бошқа ходим тарафидан хато маълумот берилган мижозга маълумот бериш	<p>Мижознинг эҳтиёжини, шунингдек аввал қандай маълумот олганини тўлиқ ўрганиш, берилган хато маълумот учун узр сўраб, ишончини қозониб, тўғри маълумотларни тафсилотлари билан тақдим қилиш.</p> <p>“Хурматли мижоз, талабингизни ва бу масалада аввал қандай маълумотлар олганингизни айта оласизми?”</p>	<p>Бу масалага диққат қаратмаслик, хато маълумот берган кишини мижоз олдида айблаш, хато маълумот берган ҳамкасбнинг олдини олиб, мижозни айблаш, мижоз ишини бўйнига олмаслик/бажармаслик, ҳамкаслар билан мавзуга доир баҳслашиб тортшиши.</p> <p>“У мана шу масала бўйича ҳеч ўрганолмади, ...”</p>

	<p>“Бу масала бўйича мурожаат қилганингиз учун миннатдормиз. Бундан олдин сизга тўлиқ бўлмаган/хато маълумот берилганлиги учун (ҳамкасбим номидан) узр сўрайман, қандайдир тушунмовчилик бўлган бўлса керак, ҳар холда. Сизни бу масалада барча тафсилотлар билан танишириб, ишингиз қисқа муддатда ҳал бўлиши учун қўлимдан келганини қиласан.”</p> <p>Мижоз ишини битиргандан сўнг, яна шундай вазиятга тушмаслик учун ҳамкасбингизни бу масалада огоҳлантириш лозим.</p>	<p>“Бахтиёр, нима қилиб қўйдинг-а, ... мижозга нотўғри маълумот берисан-ку...”</p> <p>“Аҳмат бундай демайди, балки сиз хато тушунгандирсиз...”</p> <p>“Мабодо, янглиши хотирламаяпсизми?”</p> <p>“Бу билан шугулланиш яна менинг бошимга тушибди, мингта ишини ичидা...”</p>
Муқобил хизматларни сотиш имкониятини яратиш	<p>Мижозга маълумот берадиганда истаган маҳсулоти/хизматга боғлиқ/ёрдамчи маҳсулот/хизматлар ҳақида маълумот берисб, муқобилларини тақдим этинг.</p> <p>“Эҳтиёжингиз бўлган масала билан боғлиқ/.... хизматимиз билан биргаликта ишингизни осонлаштирадиган янги бир имконият ҳақида айтиб ўтмоқчиман...”</p> <p>“Хоҳласангиз ... билан биргаликда ишингизни ... билан ҳам амалга ошираск бўлади, шунда ... борасида фойда қилган бўласиз.”</p> <p>“Рухсатингиз билан, сизга ... га ёрдамчи бўладиган ... хизматимиз ҳақида маълумот берисб ўтмоқчиман. Бу масала сизни қизиқтириб қолади, деб ўйлайман.”</p>	<p>Фақат мижознинг саволларига жавоб берисб, муқобил хизматларни қўшимчасига сотии имкониятини қўлдан бой берис, мижознинг эҳтиёжи бўлган масалада эмас, ўзи танлаган маҳсулотлар ҳақида гапириш, қатъият билан бошқа маҳсулот ҳақида гапириб кетиси, турли мавзуларда аралаш маълумотлар тақдим қилиб мижознинг бошини чалгитиб юбориси.</p> <p>“Сиз уни қўйиб туринг, шуни қиласайлик...”</p> <p>“Кейинги саволингиз?”</p> <p>“Ахир мен сизга ...ни маслаҳат беряпман, мамнун бўласиз ҳали...”</p> <p>“Ака, ... шу ишини қиласиз, шундайми, мен ишини бошлиялман...”</p> <p>“... ҳам бор лекин яна бир келинг, сизга тушунтириб бераман.”</p>
Телефонда маълумот бериш	<p>Телефонга муносиб шаклда жавоб берис, юзма юз учрашувга монанд стандартда мижозга керакли маълумотларни бериш ва тушунганига ишонч ҳосил қилиш. Суҳбат орасида “Ҳа”, “Тушундим” каби сўзлар орқали уни эшиганингизни билдиринг. Янаям тафсилотли тушунтириш керак бўлса, мижозни филиалга таклиф қилиш.</p> <p>Берадиган маълумотимиз учун</p>	<p>Мижозни телефонда куттираётган пайтда у эшиганидиган тарзда бақириб, бошқа ходимлардан маълумот олиши, уни қоралаши, тушуниб бўлмайдиган оҳангда гапириши.</p> <p>“Ҳм, ҳм...”</p> <p>“Озгина куттираман...”</p> <p>“Сал кейинроқ қўнгироқ қилинг, ҳозир ёнимда одам кўп эди...”</p> <p>“Билмайман, ...жаноб/ҳонимга қўнгироқ қилинг.”</p>

	<p>мижозни бироз куттириб кўйиш керак бўлса:</p> <p>“ Сизни озгина вақт куттириб кўяман, майлими?” дея рухсат сўраш.</p> <p>Мижозни куттириш вақти чўзилиб кетса, у билан боғланиш маълумотларни олиб, мақбул бир вақтда мижозга боғланиб, маълумотлар берилади.</p>	<p>“Янглиши одамга телефон қилдингиз, ... га телефон қилинг.”</p> <p>“Мен бу иши билан шуғулланмайман, ...га телефон қилинг.”</p> <p>“Телефонда кўп вақт кетиб қолади, филиалга келинг...”</p>
--	--	--

Маълумот берадигандага УНУТМАНГ!

- Мижозга тўғри маълумот бериш учун, унинг эҳтиёжи нима эканлигини яхшилаб билиб олинг;
- Хато ва етарсиз маълумот бериш Банкимизнинг имижига салбий таъсир кўрсатади ва мижозни йўқотишга олиб келади;
- Ишингизда ўз касбингизни мутахассиси бўлиш учун қонунчилик, ички меъёрий хужжатларни ўрганиб боринг, уларни мутлақо кузатиб боринг, тажрибангизни ортиринг ва маълумотларингиз билан ўртоқлашиб боринг;
- Мижоз ёрдамсевар, ишончли, самимий ва табиий ҳаракатлари билан мулоқатга киришадиган ходимларга бемалол, тортинмай савол беради;
- Мижозга маълумот берадигандага махсус атамалардан фойдаланмасликка ҳаракат қилинг;
- Мижозга маълумот берган вақтингизда энг яхши ва муқобил хизматларни таклиф қилиш имкониятларига эга бўлган пайтларингиздир;
- Мижозга бажара олмайдиган ваъдалар берманг, берган ваъдангизнинг устидан мутлақо чиқинг!
- Хизмат кўрсатиш жараёнида мижозга алсо “Бу менинг ишим эмас...”, “Менга нима...” деб айтманг!

IV. МИЖОЗЛАРДАН МАЪЛУМОТ/ХУЖЖАТ СЎРАШ ЖАРАЁНИ

- Ёрдам беришга тайёр, ижобий юз ифодамизни сақлаган ҳолда:
- Жилмайган ҳолда кўз билан алоқа қуриб,
- “Илтимос”, “Раҳмат”, “Рухсатингиз билан” каби мулойимлик билан сўраб олинг.
- Савол берадигандага ва жавобини эшитаётгандага унинг юзига қараб, ёнидан узоқлашманг. Мижоз билан шуғулланётганингизни унга ҳис қилдиринг.
- Маълумот ва хужжатларни талаб қилиш сабабини мижозга тушунтиринг.

- Мижоздан оладиган маълумот ва ҳужжатлар учун аввалдан тайёргарлик кўринг, керак бўлса, ёзиб олинг.
- Тўлдирирадиган ҳужжатлар борасида унга маълумотлар беринг, кўмаклашинг.
- Олган маълумот ва ҳужжатларингизни қайта қўздан кечириб олинг, ушбу ҳужжатларни қайта сўрамаслик учун ёзиб олинг.
- Керакли маълумот ва ҳужжатлар мижознинг ёнида бўлса, дархол ишни бошланг, хизматларни сотиш имкониятини қўлдан бой берманг.

ҲОЛАТ	ТЎФРИ	НОТЎФРИ
Стандарт операциялар учун маълумот/ҳужжат сўраш	<p>Кўз билан алоқа қуриб, кулиб ва мижозга қараб:</p> <p>“Паспортингиз/ҳисоб дафтарчангизни /ҳисоб рақамингизни сўрасам бўладими?”</p> <p>“Ишингиз учун зарур бўлган ... ҳужжатларни олсан майлими?”</p>	<p><i>Мижознинг юзига қарамасдан, қўпол, жсаҳл юз ифодасида буйруқ бергандек муомила қилиши.</i></p> <p><i>“Паспортингизни беринг...”</i></p> <p><i>“Ҳисоб рақаминиз...”</i></p> <p><i>“Дафтарчангизни беринг...”</i></p>
Мижознинг ариза шаклини тўлдиришини сўраш	<p>Ариза шакли ва ручка мижозга қаратилиб одоб тарзда узатилинади, кўз билан алоқа қурган ҳолда;</p> <p>“Ишингизни амалга ошириш учун ушбу шаклни тўлдириб берасизми?”</p> <p>“Бу қисмини имзолайсизми, илтимос.”</p> <p>“Ишингиз учун ... ариза шаклини тўлдириб берасизми?”</p> <p>“Ишингиз бўйича ... ариза шакли ва ... ҳужжатлари керак бўлади, марҳамат, ... ариза шаклингиз, керакли ҳужжатларни тезда битириб, ишингизни бошласак бўлади.”</p> <p>“Ишингиз бўйича ... ариза шакли ва ... ҳужжатлари керак бўлади, керакли ҳужжатлар ёнингизда бўлса, ҳозироқ ишингизни амалга оширишимиз мумкин.”</p> <p>“Формада ... қисмини мутлақо тўлдиришингиз кераклигини эслатиб қўймоқчиман, раҳмат...”</p> <p>Мижознинг берган формангизни тўлдиришда қийинчиликларга дуч келганини кўрсангиз, дархол унга кўмаклашинг.</p>	<p><i>Ариза шакли жойини қўл билан кўрсатиш, шаклни қўпполларча узатиш/мижознинг ёнига отиб юбориши, тушунтириши бермаслик.</i></p> <p><i>“Қаерга, қанча жўннатасиз?”</i></p> <p><i>“Шу шаклни тўлдиринг...”</i></p> <p><i>“Шакллар анави ерда, олиб тўлдираверинг...”</i></p> <p><i>“Тўлдириб туринг, ҳозир келаман...”</i></p> <p><i>“Шунга қўл қўйинг...”</i></p> <p><i>“Қанақа тўлдириши кераклиги ёзиб қўйилган-ку, яна нимани сўраяпсиз...”</i></p> <p><i>“Тўлдиримасдан очиқ жой қолдирманг, кейин анча яна кутасиз...”</i></p>
Маълумот ва ҳужжатларни сўраш сабабини айтиш	Талаб қилаётганингиз сабабини сабр, файрат, ишонч ва хуш муомилалик билан тушунтиринг:	<i>Тушунтириши бермаслик, қўпол тушунтириши, тарс ва</i>

		<p>“Бу маълумот ва хужжатларни сизнинг хавфсизлигингиз/кейинчалик камчилик ёки муаммо бўлмаслиги учун сўрамоқдамиз. Тушунганингиз учун раҳмат.”</p> <p>“Хурматли мижоз, ... банк амалиётлари жараёнларига керак бўлгани учун/ чиқиши мумкин бўлган муаммоларнинг олдини олиш мақсадида бу хужжатларга эҳтиёжимиз бор.”</p>	<p>жсаҳлдор юз ифодаси билан жавоб берии.</p> <p>“Кечирасиз, ушибу хужжатни олишим керак, боиқа йўли йўқ.”</p> <p>“Бизда шунаقا, боиқа банклар билан адастирманг.”</p> <p>“Тартиб-қоидамиз шундай”.</p>
Маълумот хужжатларни олиш ва		<p>Кўз билан алоқа қурилиб, мижозга қараб, диққат билан тинглаганингизни/кузатганингизни ҳис эттирган ҳолда:</p> <p>“Тақдим этган маълумот/ хужжатларингиз учун раҳмат. Ишингизни ҳозироқ амалга оширамиз/бошлаймиз.”</p> <p>“Раҳмат.”</p>	<p>Маълумот ва хужжатларни олиб, ҳеч нима демаслик, хужжатларни мижознинг қўлидан тортиб олиш.</p> <p>“Мен буларни сўрадим-ми, нима қиласман буларни...”</p> <p>“Сиз ариза топширинг, балки берилар...”</p> <p>“Сиз топшираверинг, кейин кўрамиз...”</p> <p>“Кўйинг шу ерга...”</p>
Маълумот/хужжатларда камчилик бўлса/мижоз адашиб боиқа хужжатни олиб келган бўлса, мижоздан тўғри хужжатларни сўраб олиш		<p>Хушмуомилалик билан, хужжатларни сўраб олиш сабабини айтиш:</p> <p>“Хурматли мижоз, ишингизни амалга ошириш учун ... маълумоти/хужжатига эҳтиёжимиз бор, хужжатларни йиғишимиз биланоқ ишингизни бошлай оламиз. Раҳмат.”</p> <p>“Хурматли мижоз, қонун хужжатларига мувофиқ ... иш борасида ... маълумот ва хужжатларини олишимиз керак, тушунганингиз учун миннатдормиз.”</p> <p>“Ишингиз борасида энг қисқа вақт ичida кўмаклашишимиз учун ... хужжатларини олсан майлими? ”</p>	<p>Сабабини тушунтирмай, хужжат талаб қилиши, қўпол, жсаҳл ифодасида бўлиши, ишини амалга оширишига хоҳиии йўқдек кўриниши.</p> <p>“Кечирасиз, буйруқсиз қила олмайман...”</p> <p>“Бу тарзда иш қила олмайман...”</p> <p>“Тоға, бунақаси бўлмайди-да...”</p> <p>“Хужжатлар кам, аввал тўлдириб кел...”</p> <p>“Афсуски, бундай иш қила олмайман...”</p>
Телефон орқали мижоздан маълумот/хужжат сўраш		<p>Мижоз қўнгироқ қилганида иш/унинг эҳтиёж турига кўра керакли маълумот ва хужжатлар мулойимлик билан сўралади.</p> <p>“Ишингизни бажаришимиз учун исмингизни/ҳисоб</p>	<p>Мижоз қўнгироқ қилганида: Кўполлик билан керакли хужжатларни сўраш, етарлича маълумот бермаслик,</p>

	<p>рақамингизни/мижоз ҳисобрақамингизни юборсангиз...”</p> <p>“Ишингизни амалга оширишимиз учун ... маълумот/хужжатлари керак. бу маълумот/хужжатни битирганимиздан сўнг, дархол ишни якунлашимиз мумкин. Хоҳласангиз, бу масалани офисимизда яна да тафсилотлари билан тўлиқроқ гаплашиб олишимиз мумкин.”</p> <p>Мижозга сиз қўнғироқ қилсангиз: қўнғироқ қилишдан олдин талабингиз борасида тайёргарликлар кўринг, ўзингизни танитиб, қўнғироқ қилиш сабабини айтинг, талаб қилинаётган маълумот ва хужжатни нима учун сўратётганингизни айтинг, саволлари бўлса жавоб беринг.</p> <p>“Ҳурматли мижоз, мен “Ziraat Bank Uzbekistan”нинг ... филиалидан ..., вақтингиз бўлса, сиз билан ... борасида гаплашиб олмоқчиман, Ишингизни амалга оширишимиз учун ... маълумот/хужжатлари керак. Бу маълумот/хужжатни битирганимиздан сўнг, дархол ишни якунлашимиз мумкин. Хоҳласангиз, бу масалани филиалимизда яна да тафсилотлари билан тўлиқроқ гаплашиб олишимиз мумкин. Раҳмат.”</p>	<p><i>маълумотларни тушунганига ишонч ҳосил қилмасдан бошқа мавзуга ўтиб кетии, маълумот бермасдан оғисга чақириши.</i></p> <p><i>“... олиб келасиз...”</i> <i>“... билан келингчи, кўрамиз...”</i> <i>“Буни телефон билан ҳал қилиб бўлмайди, сиз филиалга бир келиб кетинг...”</i> <i>“Мен нима дедим-у, сен нималарни тушундинг...”</i> <i>Мижозга қўнғироқ қилганингизда:</i> <i>Телефон қилиши сабабини айтмаслик, вақти бор йўқлигини сўрамасдан гап бошли, телефон қилиши сабабини тўғри шаклда/тарзда бидирмаслик, тайёрланмай телефон қилиши, қўпол тарзда талаб қилиши, саволларига жавоб бермаслик.</i> <i>“Ҳозир сизнинг ишингиз юзасидан ... хужжатлар керак...”</i> <i>“Мижоз, сизнинг ишингиз борасида нима камчилиги бор эди, бир қараичи, ҳаа ... ни юборишингиз керак эди...”</i> <i>“... учун ... ни юборишингиз керак, қачон жўнатасиз?”</i> <i>“Ишингиз тез битишини истасангиз, зудлик билан ... ни филиалга олиб келинг.”</i></p>
--	--	--

Маълумот/хужжат сўраётганда УНУТМАНГ!

- Мижозга тўлдирирадиган ҳужжатларни бераётганда, юзини мижозга тўғри қаратинг, фойдаланишлари учун ручкани тайёрлаб қўйинг;
- Банк корпоратив этика қоидалари ва меъёрий ҳужжатларга мос равишда маълумот ва ҳужжат олиш, бу борада барча мижозларга стандарт ёндашувни таъминлаш ишончлилик юзасидан жуда муҳимдир;
- Олдиндан тайёргарлик кўриш ва режа қилиш кейинчалик юзага келиши мумкин бўлган вақт йўқотишларимиздан қутқаради;
- Мижозларнинг нима сўраганингизни тушунганларига ишонч ҳосил қилинг!
- Сўралган ҳужжатларни ёзма тарзда мижозга тақдим қилиниши уларнинг нотўғри тушунмасликларини олдини олиб ишингизни осонлаштиради;
- Мижоз маълумотлари ва ҳужжатларининг сирли сақланишига ҳаракат қилинг!

V. МИЖОЗНИНГ БАНК АМАЛИЁТЛАРИНИ АМАЛГА ОШИРИШ ЖАРАЁНИ

- Иш жараёнида юзингизда табассум ва хуш кайфият билан ёндашишингиз лозим.
- Иш жараёнида мижозга исми билан мурожаат қилинг.
- Ишни энг қисқа муддат ичида ва тўғри шаклда амалга оширинг.
- Қилган ишларингизни албатта назорат қилинг.
- Иш жараёнида мижозни куттириб қўйишга тўғри келса, бу ҳақида албатта хабардор қилинг.
- Куттириш вақти охирида албатта куттириб қўйганингиз учун ундан узр сўранг.

ХОЛАТ	ТЎҒРИ	НОТЎҒРИ
Амалиётни бажараётганда	<p>“Хурматли мижоз , ...амалиётни ҳозироқ бошлаймиз”</p> <p>Хурматли мижоз, сизнинг ... жараёни билан шуғулланмоқдаман.”</p>	<p><i>Маълумот/хужжатни олиб, иш жараёнида мижозга бу ҳақида билдирилмаслик, жсаҳл ва қўпол юз ифодаси билан “Уффф, пуфф...”, “Окей” “Ишингизни бошлайликчи...” “Ҳол, қилайликчи, кўрамиз...” “Шунақа қиласардик, шекилли...</i></p>
Мижозни куттириб қўйилганда	<p>Мулойимлик билан куттириш сабабини айтиш, рухсат сўраб, мақбул бўлса бирор нарса билан меҳмон қилиш.</p> <p>“Иш жараёningизни амалга оширмоқдаман, бироз куттириб қўйишим мумкин...”</p> <p>“Сизни бироз куттираман, узр сўрайман, ... туфайли иш</p>	<p><i>Мижозга куттириши ҳақида ҳеч нима демаслик, қўл ишораси билан куттишини айтиши.</i></p> <p>“Система ишламай тўхтаб қолди, хабарингиз бўлсин...”</p> <p>“Кутасиз...”</p> <p>“Бу иш анча вақтда битади, кутасиз...”</p>

	<p>жараёни бироз узаяди, чой ичасизми? Тушунганингиз учун ташаккур.”</p> <p>“Ишингиз ... дақиқа олади, бирор нарса ичасизми?”</p>	<p>“... дақиқадан кейин яна келинг, ишингиз битиб қолган бўлиши керак...”</p> <p>“Тасдиқланишини кутяпман, бошқа иши қолмади...”</p>
Мижоз туфайли иш амалиёти чўзилиб кетган тақдирда	<p>Мижоз қарор қабул қилиши учун яхши шароит яратиб бериш, сокин ер ёки мутахассис ёнида бўлиши, мумкин бўлса бирор нарса икром этиш, бошқа мижозларни ҳам куттириб қўймаслик.</p> <p>“Хурматли мижоз, хоҳласангиз, ичишга бирор нарса олиб келай, бемалол ўтириб қарор қабул қиласверинг, унгача кутиб турган мижозларга қарамайман.../бошқа мижозларни ишини тугатиб яна сиз билан гаплашамиз...”</p> <p>“... жаноб/хоним, қарор қабул қилишингизни осонлаштириш учун қандай ёрдам қилишим мумкин.”</p>	<p>Мижозни шошириш, бошқа мижозларни узоқ куттириб, айни мижоз билан сухбатни узайтириб юбориш, ҳайдаб юбориш, зериккан ва жаҳл юз ифодасида бўлиши.</p> <p>“Бироз тезлашасизми, кутиб қолишиди...”</p> <p>“Яна қанча иш қилдирасиз?”</p> <p>“Яна-чи?”, “Майли ҳич нима демайман, сиз нима дессангиз шу...”</p> <p>“... қилаликчи, яна кўриб чиқилади...”</p> <p>“Бўлақолинг амаки, қиласиган ишишим кўп...”</p> <p>“Уффф, бутун кун фақат сиз билан шугуллансан керак...”</p> <p>“Истасангиз, қарор қабул қилиб, кейин келинг...”</p> <p>“Бўлдими?”</p>
Мижознинг иши чўзилиб кетса, бошқа мижозларга	<p>Кўзингиз билан унга қараб, табассум қилиб, уни кўрганингизни билдиринг.</p> <p>“Куттириб қўйганимиз учун мазур тутгайсиз, тезда ишингизни ҳал қилишга ҳаракат қиласман.”</p> <p>“Куттириб қўйганимиз учун узр сўрайман, истасангиз бошқа ҳамкасларим сизга ёрдам беришади.”</p> <p>Навбат унга келганида:</p> <p>“Куттириб қўйганимиз учун узр, қандай ёрдам бера оламан?”</p> <p>“Узр сўрайман, сиздан олдинги мижознинг иши бироз чўзилиб кетди, дархол ишга киришаман.”</p>	<p>Эътибор бермаслик, қўпол муомалада бўлиш, ўзини оқлаш.</p> <p>“Хозир бу мижознинг ишини қиласман, кутиб туринг...”</p> <p>“Хозир ишларим жуда кўп, ёрдам бера олмайман...”</p> <p>“Хозир тугаянти...”</p> <p>“Кўриб турибсиз-ку аҳволни, мен нима ҳам қила олардим...”</p> <p>“Куттирдик, узр...”</p> <p>“Озгина кутинг...”</p> <p>“Бош бўлган бирортасига борақолинг...”</p>
Амалиётни бажаришда мижоз ёнидан кетишимизга тўғри келса	<p>Нима сабабдан ёнидан айрилаётганингиз ва қанча вақтда қайтишингиз ҳақида мутлақо огохлантиринг.</p> <p>“Хурматли мижоз, ... иши ичун ... дақиқага ... га бориб келишим керак, рухсатингиз билан сизни бироз куттириб қўяман...”</p>	<p>Огохлантирмай ёнидан айрилиши.</p> <p>“Кутиб турасиз, тасдиқлатиб келаман/имзо қўйдирив келаман...”</p> <p>“Хозир келаман...”</p> <p>“Озгина кутиб туринг...”</p> <p>“Хозир келаятман...”</p>

		<i>“Бир дақиқа...”</i>
Ички амалиётни бажараётганингизни мижозга айтиш (зарурат туғилганда)	<p>Мижозга хизмат қилинаётган вақтда зарурат туғилмаса бошқа иш билан шуғулланилмайды, зарурат туғилганда:</p> <p>“Хуш келибсиз, маълум вақтга берилган ишни қилаётгандим, бироз кутиб туринг сизга қараймиз ёки хизматни бошқа ҳамкасларимдан ҳам олишингиз мумкин. Тушунганингиз учун раҳмат.”</p>	<p><i>Қўполгина, жаҳл юз ифодаси билан мижозга орқа ўгириши ёки эшишмаганликка олиши.</i></p> <p><i>“Ишиим кўп, қарай олмайман...”</i></p> <p><i>“Сизни чақиримагандик...”</i></p> <p><i>“Ҳозир ишиим бор...”</i></p> <p><i>“Кутманг, ҳозир бандман...”</i></p>
Мижозни вақти кам бўлса	<p>Ҳолатни тушунганингизни хис эттиринг, ишни тезроқ битиришга ҳаракат қилинг.</p> <p>“Хурматли мижоз, ишингизни тезроқ битиришга ҳаракат қиласман...”</p>	<p><i>Секин, бемалол, бепарволик билан ўзни тутиши,</i></p> <p><i>“Афсус-ки, тез битмайди...”</i></p> <p><i>“Ўзингизни босинг, бажараояпмиз-ку...”</i></p> <p><i>“Кутасиз, иложингиз қанча...”</i></p>
Мижознинг ишини бажара олмасангиз	<p>Бажара олмаслигингизнинг сабабини мижозга аниқ қилиб тушунтиринг, бошқача усулда бажаришингиз мумкин бўлса, турли вариантларни таклиф қилинг.</p> <p>“Хурматли мижоз, сабабли хозирда ишингизни бажаришнинг иложи йўқ. Хоҳласангиз бажаришимиз мумкин ёки вақтдан кейин хужжатларингизни тайёрлаб келганингиздан кейин ишингизни бажаришимиз мумкин. Бизни тушунганингиз учун миннатдормиз....”</p>	<p><i>“Бажараолмаймиз” деб ишини якунлаши, маълумот бермаслик, ҳолатни қўпол ва хоҳши-истаксиз баён қилиши.</i></p> <p><i>“Ҳозир бажара олмайман, кейин келинг...”</i></p> <p><i>“Кейин келарсиз...”</i></p> <p><i>“..... ийигиб келмасангиз бўлмайди...”</i></p>
Хизмат кўрсатиш жараёнида маълумот етишмовчилиги сабаби билан ваколатли ходимлардан маълумот олишга тўғри келса	<p>Мижозга ҳолатни сездирманг, мижознинг сизга бўлган ишончи йўқолмасин. Ваколатли ходимнинг ёнига бориб ёрдам сўранг, маълумотни аниқлаштирганингиздан кейин алоқадор ишни якунланг. Мижознинг олдидан чиқаётганингизда руҳсат сўранг.</p> <p>“Сизни озгина куттирсам майлими?”</p> <p>“Қисқа фурсатда қайтиб Сизга керакли хизматни кўрсатаман”ю</p>	<p><i>Тахминга асосланаб, ишонч ҳосил қилмай ишини бажарииш, алоқадор маълумотга эга бўлмаган ходимлардан маълумот олиши, мижоз эшиштадиган даражада бақириб сўраши.</i></p> <p><i>“Сардор,..... қандай бажарилар эди...?”</i></p> <p><i>“..... иши учун қайси форматдан фойдаланса бўлади? Биладиганлар борми...?”</i></p> <p><i>“Ишончим комил эмас-у, лекин мана бунақа бўлиши керак эди...”</i></p>

Амалиётларни бажаришида УНУТМАНГ!...

- Банкнинг ишлаш тизимидан, қоида ва амалиёт борасида қанча кўп тажрибага эга бўлсангиз, ишни ҳам шунча тез бажара оласиз.
- Вакт ҳамма учун қадрли, мижознинг ишини бажариш ўзингизнинг ва мижозингизнинг вақтини тежашини таъминлайди.
- Мижозлар ишларининг тез бажарилишини хоҳлайдилар, лекин шошилиб пала-партишликка йўл қўйилишини истамайдилар.
- Мижознинг ишини таъқиб этиш ва буни унга ҳис эттириш; мижознинг маъмнунлигини таъминлайди.
- Ишингизга бўлган меҳрингиз, меҳнатингиз ва сабрингиз - банкнинг “умр бўйи мижоз”га эга бўлишини таъминлайди.
- Амалиёт давомида мижоз билан қурган чиройли сұхбатингиз банкнинг бошқа маҳсулотларининг ҳам сотилишига туртки бўлади.
- Мижознинг иши ҳар доим устивор вазифадир.

VI. МИЖОЗЛАРГА ХИЗМАТ КЎРСАТИШ ЖАРАЁНИДА БЎЛИНИШ (УЗИЛИШ СОДИР БЎЛГАНДА

- Мижозга кўрсатаётган хизматингизнинг бўлинишига йўл қўйманг.
- Доимо хизмат кўрсатаётган мижознинг ишини биринчи ўринга қўйинг.
- Фавқулодда ҳолатларда мижоздан руҳсат олган ҳолда бошқа ишни ҳал қилинг.
- Бажараётган ишингизни бўлган киши билан (ташқи ва ички мижоз) ишингиз тугаши биланқ шуғулланишингизни билдириб, нозик бир шаклда кутиб туришини сўранг.

Бўлинши ҳолатлари.

ВАЗИЯТ/ҲОЛАТ	ТЎҒРИ	НОТЎҒРИ
Бажарилаётган иш бошқа мижоз томонидан бўлинса	Хизмат кўрсатаётганингиз мижозингиздан узр сўраб, ишингизни бўлган мижозга: “Хуш келибсиз. Ҳурматли мижоз, навбатингиз келганида/ Сизнинг ишингиз билан шуғулланаман.	<i>Ишингизни бўлган мижоз билан узоқ гаплашиб, хизмат кўрсатаётганингиз мижозни куттириб қўйши, мавжуд мижоздан руҳсат олмасдан нариги мижознинг ишини бажарии (хизмат кўрсатии). Ишингизни бўлган мижозга:</i> <i>“Бир сония...”, “Кумтиб туринг, хозир бандман...”, “Нима хизмат...”, “Бошқа операторга мурожсаат қилинг...”, “Навбатингизни кутинг...!”</i>
Шошилинч ишни бажарилиши лозим бўлган ҳолатда	Ҳолатнинг фавқулодда эканлигини тушунган ҳолда, хизмат кўрсатаётганингиз мижоздан узр сўраб, ҳолатни тушнарли шаклда	<i>Шошилинч ишни мижоздан руҳсат сўрамасдан бошлиши, мижоз билан ушибу масалада баҳсга киришиши, мижозни кўп</i>

ишингизни бўлишса	изоҳланг ва куттирадиган вақтингиз қанчалигини билдиринг. “Хурматли мижоз, сабаби билан шошилинч бир ишни бажаришим лозим. Сизни дақиқа куттиришимга тўғри келмоқда, бунинг учун узр сўрайман. Истасангиз ўтириб туринг, сизни бирор нарса билан меҳмон қиласилик. Ишим тугаши билан Сизга ҳабар бераман. Бизни тушунганингиз учун ташаккур.” Мижоз қабул қиласа, ҳолатни раҳбариятга изоҳлаб, улардан ёрдам сўранг.	күттириши, ҳолатга беписандлик билан қараи. “Шошилинч иши келиб қолди, кутиб тур(инг)...” “Кутиб тур(инг), мен ўзим чақираман...” “Раҳбар айтди, мен нима қилишим мумкин...” “Мен бажарувчиман, нима десалар шуни қиласман...”
Бажарилаётган иш телефон чақируви орқали бузилса...	Мижозга хизмат кўрсатиш жараёнида телефон қўнғироғи жирингласа, мижоздан руҳсат сўраб, телефонга жавоб беринг, иложи борича қисқа сухбатлашинг. Мижозга: “Руҳсатингиз билан....” Кўнғироқ қилган шахснинг талабини эшитгандан кейин бошқа бир мижоз билан шуғуланаётганингизни билдириб, телефон рақамини ёзиб ва энг қисқа мудатда ушбу шахсга қайта қўнғироқ қилинг. Телефондаги мижозга: “Хозирда бошқа мижозга хизмат кўрсатаётган эдим., телефон рақамингизни берсангиз, энг қисқа муддат ичида сизга қайта қўнғироқ қиласман. Тушунганингиз учун ташаккур.	Хизмат кўрсатаётганингиз мижозга ҳеч нарса демасдан телефонга жавоб берши, узоқ жиринглаган телефонга жавоб бермаслик, телефон гўшагини кўтариб, ҳеч нарса демасдан күттириши, жиринглаган телефонга жавоб бершилари учун бошқа ҳамкасларига ҳайқириши, телефонда узоқ гаплашиши, қўнғироқ қилган мижознинг ишини бажариига ҳаракат қилиши. “Ахмаджон, телефонга қараб юбор..”, “Тўхтамай қўнғироқ қиласеради-я...”, “Бас қил, етар, бошқа қўнғироқ қилма...”.

Мижозларимизга хизмат кўрсатиши жараёнида бўлинши (узилиши) содири бўлганда УНУТМАНГ!

- Ишнинг орасига иш олиш ҳудди бу ҳолат бизнинг табиий ҳаққимиздек ўзимизни тутишимиз мижозларга ёқмайди.
- Бажараётган ишингизни ўртадан бўлган мижоз, сизнинг кейинги навбатдаги мижозингиз бўлишини унутманг.
- Мижозлар, ўзларини муҳим мижоз ва ҳурмат-эътиборга лойиқ инсонлар қилиб кўрсатилишидан завқ оладилар.

VII. МИЖОЗЛАРГА ЙЎЛ-ЙЎРИҚ КЎРСАТИШ ЖАРАЁНИ

- Ёрдам сўраган ва эҳтиёжманд ҳар бир мижоз билан қизиқинг.
- Уларнинг талаб—истакларининг сизга алоқаси бўлмаса;
- Жилмайган ҳолда ва тушунарли қилиб, алоқадор ходимга / бўлимга йўнлантиринг.
- Мижозга ва йўналтирган ходим / бўлимга ҳолат тўғрисида маълумот беринг.

ВАЗИЯТ/ҲОЛАТ	ТЎҒРИ	НОТЎҒРИ
Ёрдам сўраган мижозни йўналтириш	<p>Мижозни диққат билан тинглаб, унинг талабини бажара оладиган бўлим ёки алоқадор ходимнинг исмини маълум қилинг, билмасангиз алоқадор бўлимнинг жойлашган жойини таърифлаб беринг.</p> <p>“Сиз сўраган масала бўйича бўлимидан Жаноб..... хонимга учрашишишнгиз мумкин”.</p> <p>Керак бўлса, алоқадор ходимнинг олдига бориш учун мижозга ҳамроҳлик қилинг.</p> <p>“Сизнинг масалангиз бўйича бўлимидан Жаноб..... Хоним хизмат кўрсатадилар., мен эса сизга ҳамроҳлик қилайин, марҳамат...”</p> <p>Керак бўлса, мижозни йўналтирганлигингиз сабаби тўғрисида, сабабни такрорламаслиги учун йўналтирилган ходимга ҳам мавзуга алоқадор маълумот беринг.</p> <p>“Хурматли мижоз, Сизнинг масалангизда Бўлимидан Жаноб..... Хоним Сизга ёрдам кўрсатади. Марҳамат Сиз у кишининг олдига боринг. Мен у кишига қўнғироқ қилиб, керакли маълумотни етказаман. Ташаккурлар....”</p> <p>Алоқадор ходимга эса:</p> <p>“Жаноб..... Хоним, исмли мижозимиз иш бўйича менга мурожаат қилди, мен уни сизга йўналтиредим, ёрдам кўрсатсангиз хурсанд бўлар эдим.”</p>	<p><i>Ишингизни бўлган мижоз билан узоқ гаплашиб, хизмат кўрсатаётганингиз мижозни куттириб қўйши, мавжуд мижоздан руҳсат олмасдан нариги мижознинг ишини бажарии (хизмат кўрсатиши).</i></p> <p><i>Ишингизни бўлган мижозга: “Бир сония....”, “Кутиб туринг, хозир бандман...”, “Нима хизмат...”, “Боиша операторга мурожсаат қилинг...”, “Навбатингизни кутинг...!”</i></p>
Банд бўлган пайтингизда мижозни йўналтириш	<p>Мижозни куттириб қўймаслик учун бўлимингиздаги бошқа ходимга йўналтиришишнгизга тўғри келганда:</p> <p>“Узр сўрайман, ишим бироз</p>	<p><i>Сабабини айтмасдан, жсаҳл билан, мижоздан қутилиб қолиши.</i></p> <p><i>“менинг ишим бор, ён</i></p>

	чўзилади, сизни куттириб қўймаслик учун Сизни ҳамкасбимга юборсан бўладими? Мени тушунганингиз учун ташаккур...”	томонга ўтинг ” “Бу ерда кутуб турманг... ” “Хаммамиз ҳам қиласиз, фарқи йўқ... ” “Унинг ҳам қўлидан келади... ”.
Нотўғри йўналтирилган мижоз	Мижознинг талабини тинглагандан кейин; “Ҳурматли мижоз, Сизнинг масалангиз..... Бўлим билан алоқадор, нотўғри бўлимга юборилганлигинги учун узр сўраймиз, ваколатли ҳамкасбимнинг дарҳол Сизнинг ишингиз билан шуғулланишини таъминланишга ҳаракат қиласан...”. “Ҳурматли мижоз, масалангиз билан бўлимидан Жаноб... Хоним шуғулланадилар, нотўғри бу ерга юборилганлигинги учун узр сўраймиз...” деб алоқадор бўлимнинг манзилини таърифлаб беринг.	Қизиқши билдириласдан, мижозни бошқа жойга юбориш, жахл билан айбни мижозга ағдариши, қўл ҳаракати билан тўғри жойни кўрсатиши, нотўғри йўналтирган ҳамкасбингизни айбордor қилиб кўрсатиши. “Сизни нега бу ерга юбордилар-а.... ” “Замира, Амакини нега бу ерга юбординг?... ” “Ён томонга ўт... Бу ер эмас... ”
Банқда амалга оширилиши мумкин бўлмаган бир иш учун мижозни алтернатив маҳсулотга йўналтириш	Алоқадор хизматнинг нега кўрсатиш имконияти йўқлигини изоҳланг, алтернатив ечим йўлларини таклиф қилинг. Ҳурматли мижоз, Сиз сўраётган масала қонунчилик /шартномаларимиз/...га кўра филиалларимиз томонидан амалга ошира олмаймиз. Хоҳласангиз, ишини бажарган ҳолда, талабингизни шаклда қондира оламиз. Бу шаклда ёрдам кўрсатишимишни хоҳлайсизми?...”	Изоҳ бермасдан, ишини ҳал қилишининг иложи йўқлигини айтиши, мижозга алтернатив ечим тури таклиф қиласлик, Мижозни рақибларга юбориши.. “Биз бу ишини бажармаймиз... ” “Бу ерда иложи йўқ... ” “..... Банкда бор” “.....га боринг”
Қўнғироқ қилган мижозни йўналтириш	Қилинган қўнғироқ чақируви сиз ва бўлимингиз билан боғлиқ бўлмаса, мижозни алоқадор бўлим билан боғланг. “Гўшакни қўйманг, Сизни бўлими/ Жаноб..... Хоним билан боғлайман, хайрли кун...” Боғланган ходимга: “Жаноб... Хоним/мижозимиз линияда кутиб турибди, масаласада гаплашмоқчилар, боғлаяпман...” Чақирув қўнғироғини боғлаётганда, Сиз боғламоқчи бўлган ходим ўз	Керакли ходим билан боғламасдан, мижоздан қайтадан қўнғироқ қилишини талааб қилиши, ким билан боғланиши кераклигини айтмаслик, маълумотларни ёзиб олмаслик, боғламоқчи бўлган ходимнинг иши жойида эканлигидан ишонч хосил қиласдан, телефонни боғлаб, кейин гўшакни қўйиб қўйши. “Нотўғри боғландингиз, қайтадан қўнғироқ қилинг... ” “Нотўғри қўнғироқ

	<p>ўрнида бўлмаса ёки телефони банд бўлса, мижозга бу хақда маълумот беринг ва мижознинг контакт рақамларини олинг,</p> <p>“Хурматли мижоз, хозирда ҳамкасбим билан боғдана олмадим, Телефон рақамингизни қолдирсангиз, Сиз билан дарҳол боғланамиз, ташаккурлар, хайрли кун...”</p> <p>Олинган контакт маълумотларини ва мижознинг талабини алоқадор ходимга етказинг.</p> <p>“Жаноб.... Хоним, Мижозимиз Сизга қўнғироқ қилди, Сиз билан масаласида гаплашмоқчи эканлар., телефон рақами....., у киши билан боғланишингизни илтимос қиласман. Ташаккур!...”</p> <p>Бу ишни амалга ошира олмайдиган даражада банд бўлсангиз, мижозга алоқадор ходим билан боғдана олмаганлигинги билдириб, алоқадор ходимнинг телефон рақамини бериб, кейинроқ телефон қилиши мумкинлигини айтинг.</p> <p>“Хурматли мижоз, хозирда Жаноб.... Хоним билан боғланиш имкони бўлмади, бир оз кейинроқ қўнғироқ қилишингизни илтимос қиласиз. Ҳамкасбимиз билан телефон рақами ва ички телефон рақами орқали боғланишингиз мумкин, ташаккур, хайрли кун...”</p>	<p>қилдингиз, фалон кишига қўнғироқ қилинг...”</p> <p>“..... Бўлимига телефон қилишингиз керак эди....”</p> <p>“Боғлайпман....”</p> <p>“Кўтиб туринг....”</p> <p>“Боғлай олмадим, ходим банд...”</p>
--	---	--

Мижозни йўналтиришида УНУТМАНГ!...

- “Бу менинг ишим эмас...”қабилида муносабатта бўлманг, ҳар мижоз учун курашиш лозим.
- Мижозни бошқа ҳамкасбингизга йўналтирганингизда ҳар икки томонга керакли маълумотни бериш орқали ҳамманинг вақтини тежашига қўмаклашган бўласиз.
- Мижозни тўғри жойга ва тўғри ходимга йўналтирганингизга ишонч ҳосил қилинг.
- Нотўғри жойга йўналтирилган ёки ўз эҳтиёжини қайта қайта айтишига тўғри келган мижоз, устивор муаммодир.

VIII. МИЖОЗНИ КУЗАТИШ ЖАРАЁНИ

- Унга таалуқли ишининг бажарилганлигини маълум қилинг.

- Кузатиб қўяётганингизда;
- Жилмайинг, самимий муносабатда бўлинг,
- Кузатиш билан алоқадор маъқул хайрлашув сўзларини қўлланг,
- Мижозларга бевосита хизмат қўрсатиш бўлимида ишласангиз, ўрнингиздан туринг ва қўл билан сиқишинг. Олдин ташрифномангизни бермаган бўлсангиз, энди беринг.
- Қайтадан учрашиш ва яна хизмат қўрсатишни хоҳлашингизни билдиринг.
- Мижозни; унинг хоҳишистагини тўлиқ бажарганлигинги зга ишонч ҳосил қилган ҳолда кузатинг.

ВАЗИЯТ/ХОЛАТ	ТЎҒРИ	НОТЎҒРИ
Иши бажарилган мижозни кузатиш	<p>Мижозни кузатиб қўйишдан олдин, агар сизда унинг ҳужжатлари бўлса, бу ҳужжатларни табассум билан ўзига қайтаринг.</p> <p>“Ишингизни якунладик ҳурматли мижоз, ёрдам қўрсатиш имумкин бўлган бошқа хизмат борми?....” деб сўраган ҳолда хизмат қўрсатиш якунланганлигига ишонч ҳосил қилинг. Жилмайган ҳолда, яхши муносабат қўрсатиб, маъқул харакатлар билан мижозни кузатиб қўйинг.</p> <p>“Хайрли кун, хайрли кеч... яна кутиб қоламиз..”</p> <p>Исмини билсангиз “Хайрли кун, хайрли кеч... ҳурматли мижоз, қайта учрашунча...”</p>	<p><i>Юзига қарамасдан, қовоқ уюб, маъқул позицияда бўлишингизга қарамай, ўрнингиздан турмасдан ҳеч нарса демасдан кузатиши.</i></p> <p><i>“Хайр..”</i></p> <p><i>“Яна нима...?”</i></p> <p><i>“Ишингиз тугади...”</i></p>
Мижоз миннатдорчилик билдирса	“Биз миннатдормиз...”	<p><i>“Марҳамат...”, “Арзимайди...”</i></p> <p><i>“Муҳим эмас...”</i></p> <p><i>“Вазифамиз...”</i></p> <p><i>“Ишиимиз-да бу...”</i></p> <p><i>“Кўяверинг...”</i></p> <p><i>“Рахмат...”</i></p>
Телефонда мижоз билан хайрлашиш	<p>Мижозни шошилтирмасдан, мулойимлик билан хайрлашинг, телефон гўшагини аввал мижознинг қўйишини кутинг.</p> <p>“Ёрдам қўрсатиш имумкин бўлган бошқа масала борми...?”</p> <p>“Қўнғирогингиз учун миннатдорман...”</p> <p>“Филиалимизда қутиб қоламиз, хайрли кун/Хайрли кеч... ҳурматли мижоз.”</p>	<p><i>Шошилтириб, қўпол муамалада бўлиши, мижоз гапини тугатмасдан гўшакни қўйиб қўйши.</i></p> <p><i>“хўт, хайр...”</i></p> <p><i>“Сизга ҳам...”</i></p>

Мижозни кузатишида УНУТМАНГ!

- Мижозни кузатиб қўйиш, камида мижозни кутиб олиш қадар муҳим ҳисобланади!..
- Ишни битирилганида жим туриш, хайрлашув сўзини мижознинг айтишини кутиш – кўрсатилган хизмат тўғрисида ёмон таасурот қолишига сабаб бўлиши мумкин.
- Хизмат кўрсатиш жараёнидаги салбий ҳолатларни – кузатиб қўйиш жараёнидаги яхши ниятингиз ва илиқ муносабатингиз билан юмшатишингиз мумкин.
- Мижозни кузатиб қўйишида мақсадимизнинг – “умр бўйи мижоз сонини орттириш” эканлигини унутманг.

IX. МИЖОЗ ЭЪТИРОЗИНИ ҲАЛ ҚИЛИШ

- Гапларини бўлмасдан, дарҳол ўзингизни ҳимоянгизга ўтмасдан тингланг.
- Эътирознинг сабабини тушунишга ва ҳақиқий эҳтиёж нимадан иборат эканлигини аниқлашга ҳаракат қилинг.
- Мижозларнинг банк маҳсулоти ва хизматлари бўйича турли шикоятлари тез ва тўғри шаклда керакли бўлимларга юборилиши керак. Банкнинг обрў-эътиборига таъсири қилувчи даражада жиддий ва фавқулодда бўлган турли ишкоятларни кечиктирмасдан тегишли бўлим раҳбарларига юборилиши керак.
- Мижозга ҳам, банкка ҳам маъқул бўлган алтернатив ечимларни таклиф қилинг.
- Ижобий муносабатда бўлишга ва муаммонинг ечимини қидиришда давом этинг.

ВАЗИЯТ/ХОЛАТ	ТЎҒРИ	НОТЎҒРИ
Куттириб қўйилганиги учун эътиroz билдирган мижозга	<p>Мавжуд имкониятларни баҳолаган ҳолда дарҳол ёрдам кўрсатишга ҳаракат қилинг ёки куттириб қўйишингизнинг сабабини айтиб, мижоз билан шуғулланаётганлигингиҳизни хис эттиринг;</p> <p>“Сизни куттириб қўйганлигим учун узр сўрайман, ишингизни энг қисқа мuddатда бажаришга ҳаракат қиласман....”</p> <p>“Хурматли мижоз, сабали сизни куттириб қўйганлигимиз учун узр сўраймиз, муаммони ҳал қилиш билан тезда Сизга хизмат кўрсатамиз. Бу вақт мобайнида Сизни бирор нарса билан меҳмон қиласак бўладими?...”</p>	<p>Эшиитмасликка олиши, ёрдам кўрсатиш билан алоқадор кўринини бермаслик, секин ишилаш, айбни бошқасига тўнкаши, салбий муносабатта бўлиши.</p> <p>“Жуда бандман, қўлимдан ҳеч нарса келмайди...”</p> <p>“Нима қиласай, ходимлар сони оз...”</p> <p>“Хозир ҳаммамиз бандмиз...”</p> <p>Менинг айбим эмас, бу..... фалончи сабабли кутиб қолдингиз...”</p>
Банк комиссияси/ харажат /тўлов билин боғлиқ эътиroz билдирган мижозга	<p>Иш/амалиётни бажаришдан олдин мижозга мутлақо банк комиссияси /харажат/тўлов билан боғлиқ аник маълумот беринг, мижоз рози бўлганидан кейин ишни бошланг. Келиб чиқиши мумкин бўлган эътиrozларда;</p> <p>“Хурматли мижоз, маълум банк</p>	<p>Кўпол ва тушунтиришига алоқаси бўлмаган ҳаракатлар.</p> <p>“Харажатсиз ишингизни бажара олмаймиз...”</p> <p>“Хоҳласангиз амалиётни бекор қиласмиз...”</p> <p>“Харажат/комиссия нархлари рўйҳатда турибди,</p>

	операциялари учун тўлов/комиссия/бажарилган иш учун тўлов ундирилиши лозим. Банкамиз мижозини мамнун этиш мақсадида бу тўловларнинг арzonлаштирилганлигини билишингизни хоҳлардим. Бизни тушунганингиз учун миннатдормиз...”	қаранг...” “Бепулга ишлаймиз, дўстим...” “адаидингиз, биздан арзони ўйқ...” “Нима қилаильик, банк тарифлари шунаقا, бекор қил десангиз, бекор қиласман...” “Бир нарса дейшиим қийин...” “Мен Сизга бошида айтувдим...”
Амалиётлар / қонун хужжатлари / банк жараёнлари билан алоқадор мавзуларда эътиroz билдирган мижозга	Эътиrozга сабаб бўлган ҳолатнинг асосларини мижозга тушунтириб, банк амалиётлари доирасида унга имконият даражасида энг яхши хизмат кўрсатишингизга ишонтиринг. “Хурматли мижоз, амалга ошираётган амалиётлар / қонунчилик ва ички меъёрий хужжатларимиз тартиби ва Сизнинг ҳавфсизлигинги учун керакли бўлган қоидалардир. Бу ҳолатни тўғри тушунушингизга умид қиласиз. Амалиёт давомида Сизга қўлимиздан келгунича керакли ёрдам кўрсатишимиздан қўнглингиз тўқ бўлсин.”	Кўпол муамалада бўлиши ва бирор тушунтириши иши олиб бормаслик... “Қонун шунаقا....” “Қўлимдан бошқа нарса келмайди...” “Мен бажара олмайман, раҳбарларимдан сўра...” “Бошқарманинг буйргузи...”
Рақиблар билан солиштирган ҳолда эътиroz билдирган мижозга	Эътиrozга жавоб беришда рақибларни ёмонламанг, улар ҳақида изоҳ берманг, Банкимизнинг фарқли томонларини ва имкониятларини олдинги планга чиқаринг. “Қарор қабул қилишда Банкимизнинг бозорда энг яхши банклардан эканлиги, ишончли муассаса эканлигини инобатга оласиз деган умиддаман. Сизга банкимизнинг баъзи устивор томонлари тўғрисида маълумот берсан...”	Рақибларни ёмонлаши, айблаши, мижозни муҳокама қилиши, муассасани ёмонлаши, мақтоворни ошириб юбориши. “Бизни бошқа банкларга ўхшатманг...” “Қўйсангиз-чи, нечта филиали бор шу банкнинг, Сиз уни банк деб юрибсиз...” “Боринг, ўша банкка, пушаймон бўлиб қайтиб келасиз ҳали...” “Тўғри айтасиз, бизда ишлар секин юради...” “Адашаяпсиз...” “Сизга шундай туйилади ...”
Берилган ваданинг бажарилмаслиги билан алоқадор мавзуларда эътиroz	Муаммонинг банкимиздан келиб чиққанлиги сабабли, албатта узр сўранг, эътиroz сабабларининг энг қисқа муддатда бартараф қилиниши масаласида қўлдан келгунча харакат қилинг.	Айбни бошқасига тўнкаши, эътиборсиз қолдириши, қўрс муомилада бўлиши. “Ҳамкасбимнинг эсидан чиққанга ўхшайди..” “Сизга нотўғри маълумот

билдирган мижозга	<p>“Узр сўраймиз, бир муаммо чиқсанга ўхшайди, тез фурсатда муаммони ҳал қиласиз, ишингизни ҳал қиласиз.</p>	<p><i>беришибди-да...</i> <i>“Айбга буюрманг,</i> <i>унутибмиз...”</i> <i>“Бўлиб туради бунақа нарсалар...”</i> <i>“Сабр қилинг, ҳал қиласиз...”</i> <i>“Нима қиласиз, кутамиз...”</i></p>
--------------------------	--	---

Эътиrozga дуч келинганда УНУТМАНГ!

- Эътиroz билдирган мижоз- кўпроқ ўзига эътибор қаратилишини хоҳлаётганидир.
- Мижоз эътиroz билдиргандан ҳам чиройли муомалани унумтранг, мижоз билан баҳсга киришманг.
- Мижознинг эътиrozлари олдида мақсадимиз ҳақли эканлигимизни исботлаш эмас, хизматни мукаммал шаклда кўрсатиш эканлигини унумтранг.
- Эътиrozни шахсингизга нисбаттан қабул қилманг, олдиндан ҳулоса чиқарманг, дарҳол ҳимояга ўтманг.
- Эътиrozлар аслида биз учун бир имконият эканлигини, яъни мижознинг биз ва биз кўрсатаётган хизмат билан қизиқаётганлигининг белгиси эканлигини унумтранг!
- Эътиrozларни мардонавор ечимини топиш – мутаҳассислигингиз ва профессионаллигингиз белгисидир.
- Энг яхши амалиёт – эътиroz пайдо бўлмасдан, керакли тушунтириш ишларини олиб бориб, билдирилиши мумкин бўлган эътиrozнинг олдини олишдир.
- Ҳеч бир эътиrozни эътиборсиз қолдирманг, нималарни йўқотишингизни тасаввур қилиш қийин.
- Мижозда ишонч ҳосил қила олсангиз, камроқ эътиrozга дуч келасиз.

X. МИЖОЗЛАРНИНГ МУАММОЛАРИНИ ҲАЛ ҚИЛИШДА

- Муаммоларга дуч келмаслик учун эътиборли бўлиб, диққат билан ва ички тартиб интизомига риоя қилган ҳолда ишланг.
- Муаммоларга дуч келганингизда ижобий ва ёрдамга хозир кўриниш берган ҳолда:
- Совуққон ва сабрли муомалада бўлинг;
- Мижозга; уни тушунганлигингизни, алоқадор мавзууда қўлингиздан иш келишини ҳис эттиринг;
- Объектив қарашлар билан муаммонинг ечимиға киришинг;
- Муаммоларни саволларни сўраш орқали таҳлил қилинг;
- Муаммонинг сабабини, манбаасини аниқланг;
- Керак бўлса раҳбарият ва ҳамкасларингиздан ёрдам олинг;
- Турлича ва амалий ечимлар қидиринг;
- Муаммолар масаласида мижоздан узр сўрашни унумтранг;

- Муаммонинг ечими борасида ҳар босқичда мижозни ҳабардор қилиб боринг, бизга бўлган ишончини орттиринг;
- Муаммонинг тақорорланмаслиги учун мутлақо керакли тадбирларни олинг.

ВАЗИЯТ/ХОЛАТ	ТҮГРИ	НОТҮГРИ
Ходимларнинг ҳаракатларидан келиб чиқсан муаммоларда	<p>Ваколатли шахсларнинг аралашувида муаммонинг ечими топилганидан ва мижознинг мамнун бўлганлиги борасида ишонч ҳосил қилинг.</p> <p>Рахбарият томонидан;</p> <p>“Дуч келинган муаммолар масаласида сиздан узр сўраймиз, Ишингизни мен якунлаб берсам бўладими? Вақтингиз бўлса, Сизни бирор нарса билан меҳмон қилсан...”.</p> <p>Керакли иш бажарилганидан кейин, мижоздан муаммонинг ҳал бўлганлигидан кўнгли тўлганлигини аниқлашга ҳаракат қилинг.</p> <p>“Яна қайтадан бундай муаммога дуч келмаслигингиз учун қўлимиздан келгунча ҳаракат қилишимизга ишонишингиз мумкин. Сизга яна қандай хизмат кўрсатишими мумкин (Бизга яна хизмат борми?)</p> <p>Бизни тушунишга ҳаракат қилганингиз учун миннатдормиз.</p>	<p><u>Ходим:</u> мижоз билан баҳсга киришиши, ҳимояга ўтиши, лоқайдлик қилиши, мижозни айборор қилиши.</p> <p>“Менинг айбим йўқ, ўзингиз сабабчисиз...”</p> <p>“Сиз билан баҳслашишига вақтим йўқ...”</p> <p>“Мен Сизга нима қилдим...”</p> <p><u>Рахбар ходим:</u> Мижознинг ёнида ходимга танбеҳ берши, ходимлар билан бирга мижозни айборор қилиши, муаммо билан шуғулланмаслик...</p> <p>“Бу ходимимизни айбга буюрманг...”</p> <p>“Ваҳима қиладиган нарса йўқ, Сиз ҳам ўзингизни тутиб туролмас экансиз-да...”</p> <p><u>Бошқа ходимлар:</u> баҳсга аралашишилари.</p> <p>“Биз шу ерда эдиг-у, ходимимизнинг айби йўз-у...”.</p>
Ходимнинг маълумоти камлиги ёки кам маълумот бершидан келиб чиқсан муаммолар учун мижоздан узр сўранг, муаммонинг сабабини тушуниринг, яхши ниятда ва самимият кўрсатаётганлигингизни ҳис эттиринг, керак бўлса ёрдам олиб, камчиликларни энг қиска муддатда якунланг, муаммонинг ҳал қилинганилигига ишонч ҳосил қилинг.	<p>Ходимнинг маълумоти камлиги ёки кам маълумот бершидан келиб чиқсан муаммолар учун мижоздан узр сўранг, муаммонинг сабабини тушуниринг, яхши ниятда ва самимият кўрсатаётганлигингизни ҳис эттиринг, керак бўлса ёрдам олиб, камчиликларни энг қиска муддатда якунланг, муаммонинг ҳал қилинганилигига ишонч ҳосил қилинг.</p> <p>“Ҳурматли мижоз, сабабли сизга нотўғри / етарсиз маълумот берганим учун узр сўрайман. Муаммони тезда ҳал қиласман, мени тушунганингиз учун миннатдорман...”</p> <p>Нотўғри маълумот берилган бўлса,</p>	<p>Мижоз билан баҳсга киришиши, ҳимояга ўтиши, лоқайдлик қилиши, мижозни айборор қилиши, яна нотўғри ёки етарсиз маълумот берши, билмаган масалаларида ёрдам сўрамаслик.</p> <p>“Мен айтувдим, нотўғри тушунгансиз...”</p> <p>“Айтмовдим-ми... ҳа майли, ўтиринг, ҳал қиласиз...”</p> <p>“Айтгандай бўлувдим-у...”</p> <p>“Керакли барча маълумотни қўлингизга берувдим-у...”</p>

	<p>дархол түғри маълумотни етказишига ҳаракат қилинг.</p> <p>Етарли маълумот берилмаган бўлса, дархол ҳамкасбимиздан ёрдам сўранг ва тўлиқ маълумотни мижозга етказинг.</p> <p>Муаммонинг ечилганига ишонч ҳосил қилиш учун:</p> <p>“Хурматли мижоз, келгусида бундай муаммога дуч келмаслигинизга ишончингиз комил бўлсин. Сизга яна қандай хизмат кўрсатишим мумкин?...”</p>	
Ходимнинг ҳатосидан келиб чиққан муаммоларда	<p>Хатога ўзимиз сабабчи эканлигимиз учун самимий равишда ҳатомизни қабул қилинг, мижоздан кечирим сўранг. Муаммонинг тезда ечими учун ечим варианtlарини ишлаб чиқинг, керак бўлса раҳбарингизнинг тасдиfinи / маълумотини олиб., таклифингизни мижозга тушунтиринг. Мижознинг қарорига қараб, муаммонинг ечими билан боғлиқ амалиётни бажаринг.</p> <p>Муаммонинг ечими топилганига ишонч ҳосил қилинг, ҳар босқичда мижозни хабардор этиб боринг.</p> <p>“Хурматли мижоз, сабабли сизнинг ишингиз бўйича муаммо келиб чиқди. Муаммони ҳал қилиш учун, агар Сизга ҳам маъқул бўлса, ёки бажаришимиз мумкин. Қандай ҳал қилишимизни хоҳлар эдингиз?...”</p> <p>Амалиёт тугаганидан кейин, муаммонинг ҳал бўлганига ишонч ҳосил бўлиши учун;</p> <p>“Хурматли мижоз, келгусида бундай муаммога дуч келмаслигинизга ишончингиз комил бўлсин. Сизга яна қандай хизмат кўрсатишим мумкин?...”</p>	<p><i>Мижоз билан баҳсга киришии, ҳимояга ўтиши, лоқайдлик қилиши, мижозни айборд қилиши, бошқаларни айборд қилиши, ҳатони ёпишига, яширишига ҳаракат қилиши, муаммонинг ечими учун раҳбар ходимлардан ёрдам олмаслик.</i></p> <p><i>“Сиз менга айтгандингиз-ки...”</i></p> <p><i>“Тизим сабабчи, менинг даҳлим йўқ...”</i></p> <p><i>“Бошқарма сабабчи...”</i></p> <p><i>“Ўтиринг, икки дақиқада ҳал қиласмиз...”</i></p> <p><i>“ваҳима қиласиган ҳеч нарса йўқ, ҳатолар бўлиб туради...”</i></p>
Банк амалиётлари қонун хужжатлари /процедуралар сабаби билан келиб чиққан	/ Мижозни сокинлаштириб, дикқат билан тингланг, керакли таҳлилларни амалга ошириб, муаммонинг келиб чиқиши сабабини аникланг. Муаммонинг асл сабабини эҳтиёткорлик билан мижозга тушунтиринг. Керак бўлса	<i>Мижозни эшиитмаслик, муаммо билан шуғулланмаслик, бошқа шахсларни ёки банкни айборд қилиши, мижозни айборд қилиши, муаммонинг ечими учун ҳеч нарса қиласлик.</i>

муаммоларда	<p>раҳбар ходимлардан маслаҳат олиб, ечим алтернативларини ишлаб чиқинг, мижозга билдиринг ва унинг фикрини ўрганинг. Мижознинг қарорига асосланиб керакли ишни бажаринг.</p> <p>“Хурматли мижоз, Сиз дуч келган муаммо дан келиб чиқсан. Бажарилаётган амалиёт сизнинг ҳавфсизлигингиш ва банк қоидаларига кўра амалга оширилмоқда. Бу борада бизни тушунишингизни сўрар эдим. Хозирги ҳолатда Сизга шаклда ёки тарзда ёрдам кўрсатишимиш мумкин. Танловингизга кўра, керакли ишни бажарамиз...”</p> <p>Мавзуни таъқиб этган ҳолда, муаммонинг ечишланига ишонч ҳосил қилинг.</p>	<p>“Бизда ишлар шунақа, илож қанча...”</p> <p>“Ўзингиз ҳам ўз вақтида ўйлаб кўришингиз керак эди...”</p> <p>“Бошқарманинг иши кўп, кечикишлар бўлиб туради...”</p> <p>“Кейинроқ келинг-чи, кўрамиз...”</p>
Техник сабаблардан келиб чиқсан муаммоларда	<p>Мижозни сокинлаштириб, дикқат билан тингланг, керакли таҳлилларни амалга ошириб, муаммонинг келиб чиқиши сабабини аниқланг. Муаммонинг асл сабабини эҳтиёткорлик билан мижозга тушунтиринг. Керак бўлса раҳбар ходимлардан маслаҳат олиб, муаммони алоқадор ходим / бўлимга етказинг, жараён ва ечим муддати тўғрисида мижозга хабар беринг.</p> <p>“Хурматли мижоз, Сиз дуч келган муаммо дан келиб чиқсан. Ушбу муаммолар учун Сиздан узр сўраймиз. Муаммо ҳақида алоқадор ходим / бўлимга хабар бердик. вақт ичиди муаммонинг бартараф этилиши тўғрисида маълумот олдик. Мавзуни кузатиб борамиз, бизни тушунганингиз учун миннатдормиз. Сизга ёрдам қилишимиз мумкин бўлган бошқа ишингиз борми?...”</p>	<p>Мижозни тингламаслик, муаммо билан шугулланмаслик, бошқаларни ва муассасани айборор қилиб кўрсатиш, нотўғри маълумот / муддат берииш, ечим қидирмаслик.</p> <p>“Бизнинг тизим доимо шунақа ишлайди...”</p> <p>“Бошқармага айтдик, шугулланмадилар...”</p> <p>“Қачон ҳал бўлишини билмайман...”</p> <p>“Бир неча соатда тузалиб қолар...”</p> <p>“Банк картаси бузук бўлмайди, ўзингиз нотўғри фойдалангансиз шекилли...”</p> <p>“Қўлимдан бошқа ҳеч нарса келмайди...”</p>
Мижознинг айби билан келиб чиқсан муаммоларда	<p>Керакли таҳлилларни амалга ошириб, муаммонинг келиб чиқиши сабабини аниқланг Мижозни айбламасдан муаммонинг асл сабабини эҳтиёткорлик билан тушунтиринг. Муаммонинг қайтарилмаслиги учун керакли</p>	<p>Қўпол муомала ва айбловчи муносабатда бўлиши, мижозни менсимаслик, муаммони писанд қилмаслик.</p> <p>“Ҳато сизда, бизга алоқаси йўқ...”</p> <p>“Энди шу билан ҳам</p>

	<p>тадбирларни олинг ва алтернатив ечим турларини ишлаб чиқинг, ечим тўғрисида мижозга билдиринг ва унинг фикрини ўрганинг. Мижознинг қарорига асосланиб керакли ишни бажаринг.</p> <p>“Хурматли мижоз,.... сабали муаммо келиб чиқсанга ўхшайди. Хозирги ҳолатда шаклда ёки тарзда дарҳол муаммони ҳал қилишимиз мумкин. Шу муаммонинг такрорланмаслиги учун Сизга маҳсулот / хизматимизни таклиф қилишим мумкин. Танловингизга қўра, керакли ишни дарҳол бажарамиз...”</p> <p>Мавзуни таъқиб этган ҳолда, мижознинг кўнгли тўлганлигига ишонч ҳосил қилиш учун;</p> <p>“Сизга яна қандай ёрдам кўрсатишими мумкин?...”</p>	<p><i>шуғулланамиз-ми...?”</i> <i>“Қани ҳал қилайлик-чи..”</i> <i>“Кутуб тур, ишим тугасин, ҳал қиласиз...”</i></p>
Дарҳол ечишининг иложи бўлмаган муаммоларда	<p>Мижознинг иши билан боғлиқ ҳолатни кузатиб боринг, ҳар бир ўзгариш/янгилик тўғрисида; мижознинг кўнғироқ қилишини кутиб ўтирасдан, унга телефон қилиб маълумот бериб боринг.</p> <p>“Хурматли мижоз,.... ишингиз билан боғлиқ ҳолат..... босқичида,гача натижа олишимизни мўлжаллаяпмиз., Сизни хабардор қилайлик дедик. Натижаси чиқсанда яна Сизга хабар берамиз. Сизга ёрдам қилишимиз мумкин бўлган бошқа ишингиз борми?...”</p>	<p><i>Муаммони таъқиб этмаслик, бошқаларни айбдор қилиши, Мижозга хабар бермаслик, мижознинг мавзуга алоқадор саволларига етарлича жавоб бермаслик. “Аааа! Сизни ишингиз бор эди-я...”</i></p> <p><i>“У ердаги ишлар осонгина ҳал бўлмайди...”</i></p> <p><i>“Бир неча кун ичида ҳал бўлиб қолар...”</i></p> <p><i>“Хойнаҳой бўлимда осилиб қолди...”</i></p> <p><i>“Менинг ҳам хабарим йўқ, сўраймиз...”</i></p>
Мижоз кетганидан кейин банк амалиётида хато қилинганингизда аниқлаганингизда	Дарҳол мижозга қўнғироқ қилиб, мулоимлик билан хабар беринг, муаммога сиз сабабчи бўлсангиз, узр сўранг, хатони тузатиш учун банкингизга таклиф қилинг, навбатсиз шаклда муаммони ҳал қилинг.	<i>Мижознинг муаммони сезиб қолишини кутиши, муаммо билан шуғулланмаслик, мижозни айбдор қилиб кўрсатиш, хатони тузатиш мақсадида келган мижоз билан шуғулланмаслик.</i>
Мижозлар ўртасида муммолар содир бўлгани ҳолатда	Ҳолатдан хабар топишингиз билан муаммога сабабчи бўлган мижозларни бошқа мижозларни безовта қилмасликлари учун ажратиб тинч жойга таклиф қилинг, муаммонинг сабабини ўрганинг, томонларни сокинлаштириш учун	<i>Баҳс-тортшиувга аралашиб, муаммони янада чуқурлаштириши, бирор томоннинг тарафини олиши, бошқа мижозларни ваҳимага солувчи ҳаракатларни амалга ошириш.</i>

	мулойимлик билан суҳбатлашинг. Муаммо сиз ёки атрофингиздагилар билан алоқадор бўлса дарҳол ҳал қилишга киришинг.	<p><i>“Нега бақирасиз, боринг боишқа жойда жсанжсал қилинг...”</i></p> <p><i>“Энди сиз қолувдингиз муаммо чиқармаган...”</i></p> <p><i>“Хой сенга ҳеч ким ҳеч нарса дегани йўқ-ку, ўзингдан ўзинг...”</i></p> <p><i>“Сен ўзинг шу жазога лойиқ әдинг. Баттар бўл...”</i></p> <p><i>“Ахмад сен ҳам кел, бир нарса деснг-чи..”</i></p>
Муаммога дуч келган мижоз билан телефон орқали сухбат килганингизда	Мижознинг ҳолатини тушунганингизни ва унга ёрдам кўрсатишга ҳаракат қилганингизни хис эттиринг. Мавзуни аниқлаштириш учун, мижозни тинчилантириб, мулойим шаклда саволлар беринг. Муаммонинг сабабини аниқлаганингиздан кейин, муаммони худди юзма-юз мuloқатдагидай ҳал қилишга киришинг. Керак бўлса, муаммони ҳал қилиш учун мижозни банкка таклиф қилинг, киска муддатда муаммони ҳал қилишингиз тўғрисида мижозда ишонч ҳосил қилдиринг.	<i>Жаҳли чиқиб турган мижозни телефонда куттириши, қўполлик билан жавоб берииши, муаммога қизиқиши билдиримай муаммони чуқурлаштириши, ундан қочиб қолиши.</i>
Мижозни тинчлантира олмасангиз	Мижозни, у билан бемалол сухбат қилиш мумкин бўлган ва бошқа мижозларни безовта қилмайдиган жойга таклиф қилинг, раҳбар ходимларни ҳам ёрдамга чақиринг. Мижоз ҳақорат қилгудек бўлса, жавоб қайтарманг, фақат унга ёрдам кўрсатишга ҳаракат қилаётганингизни эслатинг. Муаммолар катталашса, хавфсизлик бўйими ходимларини ёрдамга чақиринг.	<i>Жаҳли чиқиб турган мижозни телефонда куттириши, қўполлик билан жавоб берииши, муаммога қизиқиши билдиримай муаммони чуқурлаштириши, қочиб қолиши.</i>

Муаммоларга дуч келганингизда УНУТМАНГ!...

- Мижоз, муаммонинг ечимиidan олдин, Сизнинг бу муаммога муносабатингиз қандайлиги билан қизиқади.
- Мижоз муаммога дуч келганида кўпроқ Сизнинг тушунганлигингиага ва ишончинингизга таянади.
- Тўғри таҳлил қилинган муаммо тез ва осон ҳал бўлади.

- Ишонч ҳосил қиласдан муаммонинг сабаблари тўғрисида изоҳ бериш – мижознинг шошиб қолишига сабаб бўлиши мумкин.
- Мижознинг қўпол муомаласига ҳудди шундай жавоб қайтариш муаммонинг ечимсиз ҳолатга тушиб қолишига сабаб бўлади.
- Муаммонинг сабабчиси ким эканлиги билан эмас, балки ечимини топиш билан шуғулланинг... Айбдор қилманг, баҳона қидирманг!
- Муаммонинг сабаби / сабабчиларини мижознинг олдида ҳамкасбингиз билан мухокама қилманг.
- Жаҳли чиқиб турган мижоз ечим билан алоқадор таклифларингизга шубҳа билан қарashi мумкин, фойдали томонларини санаб ўтинг.
- Вактинчалик ечимлар, муаммонинг давом этишига сабаб бўлиши мумкин, бу ҳолат мижознинг норозилигини келтириб чиқаради.
- Муаммога дуч келган ҳар бир мижоз ўзини тутиб туролмаслиги мумкин, лекин сиз доимо сабрли ва совуққон бўлишга мажбурсиз.
- Муаммонинг ҳал бўлганлиги тўғрисида мижознинг тасдигини олинг, тақорорланмаслигига ишонтиринг.

XI. МИЖОЗЛАР ҲУЗУРИГА ТАШРИФ БУЮРГАНДА

- Учрашувга келишиб олинган вақтдан 5-10 дақиқа олдин мижоз жойлашган объектга бориб, учрашувга тайёр туринг.
- Келишилган вақтда мижознинг ҳузурига кириб боринг.

Мижоз билан саломлашганингизда:

- Чиройли табассум билан унга қараб юриб боринг;
- Мулойимлик билан салом берган ҳолда, ўзингизни таништиринг (аввал таниш бўлмасангиз);
- Саломлашиш учун унинг қўл узатишини кутинг, ишонч билан қўлини сиқиб қўйинг;
- Ўтириш учун жой кўрсатишини кутинг;
- Аввал бермаган бўлсангиз, ташрифнома картингизни беринг;
- Бирор нарса билан меҳмон қилгудек бўлса, таклиф қилингандар орасидан керагини танланг;
- Қисқача кириш сұхбатидан кейин ташрифингизни мақсади билан алоқадор мавзуга ўтинг;
- Учрашув давомида назокат билан илиқ мулоқатни амалга оширинг;
- Учрашув тугагандан сўнг рухсат сўраб ўрнингиздан туринг, хайрлашув ибораларидан фойдаланган ҳолда, учрашув жойини тарқ этинг.

Мижоз ҳузурига ташриф буюргандада УНУТМАНГ!

- Вактни бехудага сарфламаслик учун учрашув соатини, учрашув вақтидан олдин тасдиқлатиб олиш мақсадга мувофиқдир.

- Мижознинг хузурига боришдан олдин хозирлик кўринг.
- Учрашувга кеч қолманг!
- Мижознинг обьектида қўл телефонингизнинг қўнғироғини пасайтириб қўйинг ва ўта зарурияти бўлмаса телефондан фойдаланманг.
- Мижознинг офисида мижознинг столига хужжатларингизни, дафтарларингизни ёки сумкангизни қўйманг.
- Мижознинг столи устидаги нарсаларга тегинманг.
- Мижознинг хонасида кераксиз мавзуларда сухбат қурманг.

XII. БАДАН ТИЛИ ВА ИМО-ИШОРАЛАР

+	<p style="text-align: center;">Ижобий бадан тили ва имо-ишоралар</p> <ul style="list-style-type: none"> • Ўзига ишонган ҳолда тик қоматда туриш, • Тинглаётганда қаршидаги кишига тўғри бир оз эгилган ҳолда туриш, • Жилмайиш, • Гапираётганда мижознинг қўзларига қарашиб, • Мижоз билан саломлашганда мақбул масофа (бир қўл узунлигидаги масофа) ни сақлаш, • Мижозни тинглаётганда бош сал олдинга эгилган ва /ёки бир оз ёнга эгилган ҳолда туриш, • Мижозни тинглаётганда бош билан тасдиқ ишорасини қилиш, • Гапираётганда қўл ҳаракати меъёридан ошиб кетмаслиги лозим, • Кўллар ён томонда, эркин, • Динамик кўринишига эга бўлиш.
-	<p style="text-align: center;">Салбий бадан тили ва имо-ишоралар</p> <ul style="list-style-type: none"> • Қовоқ уюш, • Хоргин кўриниши, • Бақраймоқ, • Мижознинг юзига қарамаслик, • Кўзойнак устидан ним қарашиб (кўзойнакдан фойдаланадиганлар учун), • Қошларни ўйнатиши, • Кўзлар доимо олазарак,тишларни кўрсатиши, ёноқларни буриши, • Меъёрдан баланд овозда кулиши, • Мижознинг орқасидан гап ёки бошқа имо-ишора (қош-кўз билан) ғийбат қилиши, • Эснаш,

	<ul style="list-style-type: none"> • Мижозни күрмасликка олиш, • Оғизда тиш ковлаш чўпи ёки бошқа нарса тишлаб туриш
	<p style="text-align: center;">Салбий бадан тили ва имо-ишоралар / ТИК ТУРИШ</p> <ul style="list-style-type: none"> • Букчайиб туриш, • Қўлларни қўкракда қовуштириб туриш, • Оёқлар оралиғи кенг очилган, қўллар орқада, • Тиззалар доимо титраган, • Гапираётганда ўнгга-чапга эгилиш, • Қўллар белда, • Тиззаларни букчайтириш, • Қимирлаб, саллониб туриш • Мижозга жуда яқин бориш, • Қўллар орқа чўнтақда, • Мижоздан ўгирилиб туриш, • Керилиш, • Стол, устунга таяниб туриш.
	<p style="text-align: center;">Салбий бадан тили ва имо-ишоралар / ҚЎЛЛАР</p> <ul style="list-style-type: none"> • Эътиборни тортадиган даражада соchlарни ўйнаш, • Қулоқ, бурун, бўйин каби юз органларига тегинавериш, • Энсанни ушлаб туриш, • Мижозга қўл билан “кел” ёки “кет” ишорасини қилиш, • Қўлларни қовуштириш, • Қўллар ёқада, • Бурун / қулоқ / тишларни қашиб туриш, • Мушт тузиш, • Қаршида турган инсонга таҳдид шаклида қўл бармоқлари билан ишора қилиш, • Қўлларни бир-бири билан қовуштириб туриш, • Қўлдаги ёки чўнтақдаги нарсаларни ўйнаб туриш, • Мижозни безовта қиладиган шаклда қашиниш, • Қалам ўйнаш, бармоқларни қарсилатиш, • Тирноғини тишлаш.

XIII. БАНҚДАГИ ИШ ВА АМАЛИЁТ ЖАРАЁНИДА ИШЛАТИЛМАЙДИГАН СҮЗЛАР

“БИЗ” шаклида ҳитоб қилиш		
• Қани, БИЗ нима қиласыпмиз? ...“		
Тарбиясиз сүзлар, сүкенишлар		Мижозда норозилик үйгөтүвчи сүзлар
<ul style="list-style-type: none"> • Тайинсиз, тутруксиз... каби, • Йүр-э, Бор-э, А-ха... каби • Нимада десангиз шуда... • Ҳар қандай сүонғич сүзлар 		<ul style="list-style-type: none"> • Хойнахой, шунга ўхшайди..., • Билмадим...., • Менинг ишим эмас-у..., • Қанақасига... Йүр-э..., • ААааа, Оббо, уфффф...
Яқынликни ифодаловчи сүзлар		Орттирма сүзлар
<ul style="list-style-type: none"> • СЕН деб мурожаат қилиш, • Тоға, амаки, Дода, пахан, • Қариндошим, божа... • Акахон, братан, • Жонгинам,... • Окей... 		<ul style="list-style-type: none"> • Супер, ажжойиб..., • Даҳшат, дода-ю..., • Ўлиб қоласиз..., • Оғзингиз очилиб қолади, • Ўзинга қара-да...
Буйруқ шаклидаги сүзлар		
<ul style="list-style-type: none"> • Қил, • Кутасан, • Кел, <p style="text-align: center;">Жұна ва бошқалар.</p>		

XIV. БАНҚДА БАЖАРИЛМАСЛИГИ КЕРАК БҮЛГАН ҲАРАКАТЛАР

<ul style="list-style-type: none"> • Сақич, конфет сүриш, бирор нарса емок, • Иш пайтида овқатланиш, • Столда, атрофда бүш стакан, идиш ва бошқаларини қолдириш, • Мижознинг хузурида макияж 	<ul style="list-style-type: none"> • Тарабек ўйнаш, • Газета-журнал каби ишдан ташқари нарсаларни ўқиши, кроссворд ечиш, • Секин, иштиёқсиз ишлаш, • Безовта қиласыпмиз ишлең, қилиш,
--	---

<p>қилиш, сурма суриш...,</p> <ul style="list-style-type: none"> • Баланд овозда гапириш, хазиллашиш, қўшиқ айтиш, ҳиргойи қилиш, • Мусика тинглаш, • Хужжатларни, қалам-ручкаларни отиб, жаҳлдор ҳаракатларни амалга ошириш, • Мижозни хақорат қилиш, буйруқ бериш, • Ўзини мажбуран гапираётгандек / хисобот берётгандек / хизмат килаётгандек қилиб кўрсатиш, • Мижоздан қутилиб қолишга ўхшаш ҳаракат қилиш, • Мижозга жавоб бермаслик, • Кўпчилик бўлиб суҳбатлашиб туриш, • Бошқа ходимларнинг ишига ҳалақит берадиган даражада гаплашиш, • Кўллар билан ҳазил-хузул қилиш, 	<ul style="list-style-type: none"> • Ташқаридан келганлар (ака-ука, қариндош) билан узоқ суҳбатлашиш, • Банк телефони ёки шахсий мобил телефон орқали узоқ гаплашиш, • Ўзингизга тегишли хиссий кечинмаларингизни мижозга сездиришга ҳаракат қилиш, • Банкда ўзаро мижозлар тўғрисида ғийбат қилиш, • Мижознинг орқасидан ғийбат қилиш, • Бошқа ходимларга “Ака”, “Ука”, “Опа” деб мурожаат қилиш, • Мижоз билан баҳслашиш, ҳақорат даражасидаги сўзларни айтиш, • Ғийбат қилиш, • Банкда ҳамкасларни муҳокама қилиш, камситиш, ёмон сўзлар гапириш, буларни мижозларга етказиш ва бошқалар.
---	---